

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги

Наманган муҳандислик – педагогика институти

кўлёзма ҳуқуқида:

УДК

ХУДОЙБЕРДИЕВ ЁРҚИН ЗАФАРОВИЧ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИНИ  
БОШҚАРИШ»

(Наманган вилояти мисолида)

5А340201 “МЕНЕЖМЕНТ” (ИШЛАБ ЧИҚАРИШ)

Мутахассислиги бўйича магистр

Академик даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар:

и.ф.д., проф. Р.Шодиев

Наманган - 2011

## МУНДАРИЖА

|             |   |
|-------------|---|
| Кириш ..... | 3 |
|-------------|---|

### I-БОБ. Ахоли бандлиги бўйича назарий қарашлар.

|                                                              |    |
|--------------------------------------------------------------|----|
| 1.1. Мехнат ресурсларини бошқаришнинг назарий асослари ..... | 7  |
| 1.2. Бандлик ва ишсизликнинг минтақавий хусусиятлари .....   | 16 |
| 1.3. Демографик омиллар ва уларнинг ишсизликка таъсири ..... | 32 |

### II-БОБ. Наманган вилоятида бандлик ва ишсизлик муаммолари

|                                                                                                                       |    |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| 2.1. Наманган вилоятида меҳнат ресурслари, уларнинг минтақавий хусусиятлари ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари ..... | 37 |
| 2.2. Наманган вилоятида ишсизлик муаммолари, унинг ўзига хос кўринишлари .....                                        | 46 |
| 2.3. Наманган вилоятида бандлик ва ишсизликнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнларга таъсири .....               | 54 |

### III-БОБ. Наманган вилоятида бандлик ва ишсизлик муаммоларини бартараф этиш истиқболлари

|                                                                                                                     |    |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| 3.1. Наманган вилоятида ишсизлик муаммоларини бартараф этишда эътибор берилиши лозим бўлган долзарб масалалар ..... | 62 |
| 3.2. Наманган вилоятида ишсизлик муаммоларини бартараф этиш чора-тадбирлари .....                                   | 67 |

|                 |    |
|-----------------|----|
| Хулосалар ..... | 72 |
|-----------------|----|

|                                                      |    |
|------------------------------------------------------|----|
| Фойдаланилган ва ўрганилган адабиётлар рўйхати ..... | 78 |
|------------------------------------------------------|----|

|                |    |
|----------------|----|
| Иловалар ..... | 81 |
|----------------|----|

### **Аннотация**

Худойбердиев Ёрқин Зафарович «Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурсларини бошқариш» мавзусидаги диссертацияда меҳнат ресурслари, бандлик ва ишсизлик муаммолари, уларга таъсир этувчи омиллар, шунингдек, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ишсизлик муаммоларини ҳал этишнинг самарали йўналишлари ўрганилди.

Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловалардан ташкил топган. Ишнинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқот ишининг услубий ва назарий асоси, ишнинг таркиби ёритилган.

Тадқиқотнинг биринчи бобида меҳнат ресурсларини бошқариш, бандлик, демографик омиллар ва ишсизликка таъсири ёритилган.

Иккинчи бобида меҳнат ресурслари, уларнинг минтақавий хусусиятлари ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари, ишсизлик муаммолари, унинг ўзига хос кўринишлари, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнларга таъсири акс эттирилган.

Учинчи бобида ишсизлик муаммоларини бартараф этишда эътибор берилиши лозим бўлган долзарб масалалар ва ишсизлик муаммоларини бартараф этиш чора-тадбирлари куриб чиқилган.

Хулоса ва таклифлар қисмида бандлик ва ишсизлик муаммолари, уларга таъсир этувчи омиллар ва муаммонинг ечими бўйича таклифлар берилган.

## **КИРИШ**

**Мавзунинг долзарблиги.** Дунёнинг барча давлатларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, ишсизлик муаммоларини ҳал этиш давлат олдида турган доимий долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Қолаверса, ўзига хос табиий, тарихий ва бошқа ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида шаклланган меҳнат ресурсларига эга бўлган Ўзбекистонда аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этиш ўзига хос аҳамият касб этади.

Бироқ, аҳоли бандлиги муаммолари ижтимоий сиёсатимизнинг зудлик билан ҳал қилиш талаб этиладиган ўткир ва долзарб масаласи бўлиб қолмоқда ва бу соҳада давлат ва жамоат ташкилотлари, аввало, маҳаллий ҳокимликлар томонидан олиб борилаётган барча ҳаракатларни янада кучайтиришимизни талаб қилади.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистоннинг ўз янгилиниш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинган етакчи тамойилларидан бири - кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдан иборат бўлиб, 2011 йил учун белгиланган асосий устувор вазифалардан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ушбу асосда аҳолини иш билан банд этиш ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш қилиб белгиланганлиги фикримизга далилдир.

Диссертация ишида асосан Наманган вилояти меҳнат ресурслари, бандлик ва ишсизлик муаммолари, уларга таъсир этувчи омиллар, шунингдек, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ишсизлик муаммоларини ҳал этишнинг самарали йўналишлари ўрганилди.

Маълумки, Наманган вилояти республикадаги йирик вилоятлардан бири бўлиб, аҳоли сони бўйича 3 ўринда, аҳоли сонининг ўсиши бўйича 2 ўринда

туриши, меҳнат ресурсларининг табиий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ўта номутаносиблиги билан характерланади ва жихатлар Диссертация иши мавзусининг долзарблигини белгилайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Меҳнатда бандлик ва ишсизлик муаммолари асосан йирик минтақа ва асосан давлатлар миқёсида ўрганилган. Ўзбекистонда XX асрнинг сўнгги ўн йиллигидан кейингина муайян ҳудудлар ва вилоятлар миқёсида ўрганила бошланди. Хусусан, мамлакатимиз мустақилликка эришиши туфайли бозор иқтисодиётига ўтишимиз муносабати билан мавзунинг долзарблиги кучайиб борди. Бу мавзуда бир қанча олимлар: жумладан, А.А. Абдуганиев, Қ.Х. Абдурахмонов, Ш.Холмўминов, З.Р.Худайбердиев, М.Мирзакаримова, З.Толаметова, Д.Расулова томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари алоҳида аҳамиятга эга.

Ижтимоий-демографик муносабатлар ўзига хос бўлган Наманган вилояти бандлик ва ишсизлик муаммолари илмий тадқиқот сифатида бугунги куннинг долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

**Диссертация ишининг мақсади ва вазифалари.** Тадқиқотнинг мақсади - бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Наманган вилоятида бандлик муаммоларини ҳал этишга қаратилган бўлиб, бунинг учун қуйидаги вазифаларга эътибор қаратилган:

- Вилоятдаги демографик жараёнлар ва уларнинг меҳнат ресурсларини шаклланишига таъсирини ўрганиш;
- Вилоятдаги меҳнат ресурслари, уларнинг минтақавий хусусиятларини ўрганиш;
- Наманган вилоятида аҳоли бандлигини оширишда эътибор берилиши лозим бўлган долзарб масалаларни таҳлил қилиш;
- Наманган вилоятида аҳоли бандлигини ошириш чора-тадбирларини кўрсатиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти ва предмети.** Магистрлик диссертацияси тадқиқот объекти сифатида Наманган вилояти меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари олинди. Унинг предмети эса вилоятда аҳоли бандлиги ва ишсизлик муаммоларининг ҳозирги кўриниши, уларга таъсир этувчи асосий омиллар ҳамда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг истиқбол йўналишларидан иборат.

**Диссертация ишининг назарий ва методологик асослари.** Диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, бозор иқтисодиётининг ўзига хос қонун ва қонуниятлари ҳамда Ўзбекистон республикасининг меҳнат бозори ва аҳоли бандлигини ошириш билан боғлиқ бўлган қонун ва қарорлари, ушбу соҳа бўйича олимларнинг назарий ишланмалари ва статистик тўпламлар маълумотларига асосланилди.

Тадқиқотда ижтимоий-иқтисодий ва статистик фанлар методологияси ва услубларидан, шунингдек, тадқиқотни олиб боришда тизимли-структуралӣ таҳлил, экспериментал баҳолаш, таққослаш, статистик муаммоларни таҳлил қилиш, диаграммалӣ, гистограммалӣ ва графикли усуллар, математик моделлаштириш орқали башоратлаш ва социологик сўровномалар ўтказиш усулларида кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг манбаси: Наманган вилояти ҳокимлигининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, Наманган вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари, шунингдек, марказлашган ҳолда чоп этиладиган статистик маълумотномалар, Наманган вилоят меҳнат бўлимларининг ҳисоботлари, сўров материаллари ва адабиётларидан иборат.

**Тадқиқотнинг илмий янгиликлари.** Диссертация ишининг илмий янгилигини белгиловчи асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- Наманган вилояти меҳнат ресурслари ўзига хос минтақавий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилинган;

- Вилоятдаги меҳнат ресурсларини шаклланишида асосий ўрин тутган демографик жараёнлар ва меҳнат ресурслари орасидаги боғланиш математик моделлаштириш ва статистик таҳлил қилиш орқали кўрсатиб берилган;

- Вилоятда мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва янги иш ўринларини яратишда мавжуд имкониятлар табиий ва ижтимоий-иқтисодий асосланган ҳолда ёритиб берилган.

**Тадқиқотнинг илмий аҳамияти.** Диссертация ишида ўрганилган бандлик ва ишсизлик муаммолари, уларга таъсир этувчи омиллар ва муаммонинг ечими бўйича таклифлар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари учун назарий қўлланма сифатида тавсия этилади. Шунингдек, демография, бандлик ва ишсизлик муаммолари бўйича илмий тадқиқотларда ҳамда иқтисодий-ижтимоий йўналишларда таҳсил олаётган талабаларга билим беришда, маъруза ва амалиёт машғулотларида фойдаланиш мумкин.

**Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси).** Диссертация ишининг асосий ғояси ва унинг мазмун-моҳияти, илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот жараёнида олинган натижалар, хулосалар ишлаб чиқилган тавсиялар магистрантларнинг илмий семинарларида баён қилинган ва қуйидаги илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокама этилган “Рақобатбардош кадрлар таёрлашда мустақил таълим: жаҳон таълим тизими тажрибаси ва олий таълим муассасалари ҳамкорлиги” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси (2010 йил, Наманган), “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”га бағишланган “Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро инновацион ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш, тажриба ва истиқболлар” (2011 йил, Наманган).

**Натижаларнинг эълон қилинганлаги.** Диссертациянинг асосий мазмуни Республика илмий амалай конференциялари тўпламларида 2 та илмий мақолаларда ўз ифодасини топган.

**Магистрлик диссертациясининг таркиби.** Диссертация кириш қисми, учта боб, хулосалар, фойдаланилган ва ўрганилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

## **I-БОБ. Ахоли бандлиги бўйича назарий қарашлар.**

### **1.1. Мехнат ресурсларини бошқаришнинг назарий асослари.**

«Бандлик - фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (мехнат даромади) келтирадиган фаолиятидир».<sup>1</sup>

Мехнат ресурслари мамлакат иқтисодиётида ЯИМ ёки ЯММ ни яратишда қатнашадиган энг асосий иқтисодий ресурслардан бири ҳисобланади. Мехнат ресурслари, аввалом бор ёлланма ходимлар меҳнати ва инсонларнинг тадбиркорлик қобилиятларидан иборат бўлиб, бошқа иқтисодий ресурслардан тубдан фарқ қилади. Шу сабабли, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида уларни ҳар бир хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида объект сифатида ўрганиш ҳар бир даврнинг долзарб мавзуларидан бири ҳисобланади.

Хусусан, ҳозирги кунда ҳам меҳнат ресурслари, иқтисодиётда вужудга келадиган ишсизлик муаммоси соҳа олимлари томонидан тадқиқ этиб келинмоқда. Аҳоли сонининг, шу билан бир қаторда меҳнат ресурслари миқдорининг ортиши, иқтисодий ва табиий ресурсларнинг камайиши, ишлаб чиқаришнинг юқори даражада автоматлашиши натижасида нафақат паст ривожланган, балки иқтисодиёти тараққий этган мамлакатларда ҳам ишсизлик муаммосини юзага келтирмоқдаки, бу муаммо ўта муҳим иқтисодий, қолаверса, ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этмоқда.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш туғрисида»ги қонуни. Тошкент, «Адолат», 1998. 2-модда.


Мехнат бозорининг амал қилиш механизми ва ишсизликнинг сабаблари тўғрисида турлича назариялар мавжуд. Хар бир назария мехнат бозорининг амал қилиш механизми, ишсизликнинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида ўз нуқтаи назарига эга ва бу назарияларнинг ижобий, илғор томонлари талайгина.

Классиклар (Д.Рикардо, А.Смит, Сей, Мальтус) фикрларига кўра, ишсизлик хаддан ташқари юқори иш хақи белгилаш натижасида вужудга келади. Иш хақи ошганда ишчи кучи таклифи ҳам ортади, ишчи кучига бўлган талаб эса камаяди. Яъни, мехнатнинг таклиф функциясида индивид ўз хизматини иш хақининг пулдаги ифодасидан келиб чиқиб эмас, балки иш хақининг ўлчовларидан келиб чиқиб таклиф қилади. Реал иш хақи миқдори катта бўлса, унга мос равишда мехнатнинг таклифи ҳам юқоридир, агар кичик бўлса пастроқ бўлади. Бу қоида соф иқтисодий қонун бўлиб, барча бозорларга тегишли бўлгани каби мехнат бозорида ҳам амал қилади.

Буни қуйидаги график (1.1.1-график) да қуришимиз мумкин.

1.1.1-график

### Мехнатга бўлган таклиф эгри чизиги.



Бу ерда:

LS - мехнат таклифининг эгри чизиги:

$W/P$  - реал иш хақи.

$L$  - тақлиф қилинаётган меҳнатнинг миқдори.


Жумладан, Д.Рикардо иш ҳақининг табиий даражасидан ортиб кетиши аҳоли сонининг ўсишига ва унинг оқибатида эса меҳнат тақлифининг ҳам ортишига олиб келади, деб кўрсатади.

Мальтуснинг фикрига кўра эса иш ҳақининг юқори бўлиши туғилишни ўстиради ва меҳнат бозорида ишчи кучи тақлифини кескинлаштириб юборади. Агар иш ҳақи пасайса, ўлим даражаси, касалланиш ва бошқа салбий ҳолатларнинг кўпайиши кўзатилади. Натижада стихияли ва онгли равишда туғилишнинг камайиши ўз ўзидан меҳнат тақлифининг қисқаришига сабаб бўлади.

Бу эса шундай хулосага олиб келади: реал иш ҳақи ҳажми ошса тадбиркор ишчи кучига бўлган талабни қисқартиради, агар реал иш ҳақи ҳажми камайса, ишчи кучига бўлган талаб ортади. Ушбу хулосага асосланган қуйидаги 1.1.2-графикда кўриниб турибдики, реал иш ҳақини қисқартириш натижасида меҳнатга бўлган талаб ошмоқда ва аксинча реал иш ҳақи ошса, меҳнатга бўлган талаб камаймоқда.

1.1.2-график

### Меҳнатга бўлган талаб эгри чизиги.



Бу ерда:  $L$  - талаб қилинадиган меҳнатнинг миқдори;

$W \geq R$  - реал иш хақи миқдори.  
 $L_d$  - меҳнатга бўлган талаб эгри чизиги:

Шунинг учун улар иш хақини паст даражада ушлаб туриш самаралидир, деб кўрсатишади. Бироқ, иш хақининг ўсиши меҳнат унумдорлигини ўсишига олиб келади. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши орқали эса самарали меҳнатда бандликка эришилади. Бу ерда меҳнат бозорини «кўринмас қул» қондаси асосида ҳаракатланишига ташлаб қўймасдан давлатнинг бошқарувчилик ролини ошириш лозим. Классиклар эса давлатнинг иқтисодиётни тартибга солувчилик ролини инкор этадилар.


Бироқ, ушбу айрим қарама-қарши фикрларга қарамасдан, ҳар икки назарияда ҳам ўзига хос асослар мавжудлигини қуришимиз мумкин. Бу назариялардаги қарама-қарши фикрлар асосан тадқиқот объектини турли томондан туриб ўрганилганлиги сабабли юзага келган, дейишга асос бўлади.

Буни ҳар икки назария тарафдорлари томонидан илгари сурилган фикрлар асосида тасвирланган қуйидаги 1.1.3-графикда қуришимиз мумкин.

Бунда меҳнатга бўлган таклиф ва талаб эгри чизиқларининг умумлашган ҳолдаги кўриниши тасвирланган.

1.1.3-график

### Талаб ва таклиф эгри чизигини умумлашган графиги



Графикдан кўриниб турибдики,  $(W \cdot R)$  Е га тенг бўлган иш хақи доирасида меҳнат бозорида мувозанат вужудга келади. Бунинг маъноси шуки, агар иш хақининг шу доирасида қим иш излаётган бўлса, у иш билан таъминланади, иккинчи томондан, тадбиркорлар узларига керак бўлган ишчи кучи миқдорини топиш имкониятига эга бўладилар. Е харфи билан белгиланган нукта тўла меҳнатда бандлик ҳолатини билдиради.

Реал иш хақининг бошқача қийматида меҳнат бозорида мувозанатни ўрнатиб бўлмайди:

1. Агар иш хақи мувозанат нуктадан юқори бўлса,  $(W^* \cdot R)^*$  нуктада меҳнатнинг таклифи  $A^* \cdot B^*$  - катталиқдаги талабдан ошиб кетади, яъни,  $L^{**} > L^*$  ;

2. Агар иш хақи мувозанат нуктадан паст бўлса,  $(W^{**} \cdot R)^{**}$  нуктада меҳнатга бўлган талаб “А”, “В” - катталиқдаги таклифдан ошиб кетади.  $L^{**} > L^*$ ,

Биринчи ҳолатда ишсизлик вужудга келади, иккинчи ҳолатда эса иш жойлари бушаб қолади.

Ҳозирги замон иқтисодий назариясида меҳнат бозорининг амал қилишини таҳлил этишда классиклар концепциясидан ташқари яна талайгина назарий ёндашувлар мавжуд.

Хусусан, яна бир концепция неоклассиклар (Ж.Перри, М.Федстайн, Р.Холл) томонидан илгари сурилади. Бу назария тарафдорлари асосан классиклар илгари сурган ғояларни давом эттирадилар.

Агар меҳнат бозори мувозанат ҳолатида бўлса, ишсизлик бўлиши мумкин эмас, деб тўғри фикр билдиришади. Шунинг билан бирга қасаба уюшмаларининг таъсири, давлат томонидан иш хақининг паст даражасини белгилаб қуйилиши, ахборотларнинг мавжуд эмаслиги каби бозорнинг «тақомиллашмаганлиги»га асосланишади. Бу назариядан ишсизлик ихтиёрий


бўлиб, бозор номуносиблигини келтириб чиқаради, деган фикр келиб чиқади.

Мехнат бозорининг амал қилиш механизмига назарий ёндашувлардан яна бири - институционал мактаб (масалан, Ж.Данлоп, Л.Ульман) томонидан амалга оширилади. Улар асосий эътиборни ишчи кучи таркибидаги касбий ва тармоқ тафовутлари ҳамда иш ҳақининг уларга мос келувчи даражалари таҳлилига қаратадилар. Бу ерда макроиқтисодий таҳлилдан чекиниб, бозорни алоҳида тармоқлар динамикаси, демографик хусусиятлар орқали тушунтиришга ҳаракат қилинади.

Инглиз иқтисодчиси Артур Оукен эса мехнат ресурслари, хусусан ишсизликни тадқиқ қилар экан, ишсизлик даражаси ва ЯИМ узилиш ўртасидаги миқдорий нисбатни математик қонуният орқали исботлаб берди. Шу сабабли бу Оукен қонуни деб юритилиб, унинг моҳиятига кўра агар ҳақиқатдаги ишсизлик, ишсизликнинг табиий даражасидан 1 фоизга ошиб кетса, миллий иқтисодиёт ЯММ ни 2,5 фоизга кам олади (1.1.4-график). Ушбу нисбат ишсизликнинг турли даражаларидаги маҳсулот йўқотишларни аниқлаш имконини беради.

1.1.4-график

### Оукен қонуни



ЯИМ узилиши  $\kappa -2,5$  (ишсизликнинг табиий даражаси-ишсизликнинг ҳақиқий даражаси).

Шунингдек, иқтисодчиларнинг тинимсиз мунозарасига сабаб бўлган, амалиётнинг синовиغا унчалик бардош беролмаган Филлипс эгри чизиги назарияси ишсизликнинг ошиши эвазига пулнинг кадрсизланишини камайтиришга маълум даражада имкон берса ҳам унинг учун тўланадиган бадал нихоятда катта бўлади. Филлипс эгри чизиги назарияси бўйича пулнинг кадрсизланиши 1 фоиз камайса, ишсизлик 2 фоизга ошади. Агар ишсизликнинг табиий даражаси 6 фоиз, пулнинг кадрсизланишини 10 фоиз деб фараз килсак, пулнинг кадрсизланишини 9 фоизга тушириш учун ишсизлик даражасини 8 фоизга ўстиришга тўғри келади. Оукен қонуни бўйича ЯММ 2,5 фоизга камайса, ишсизлик 1 фоизга ортади. Демак, пулнинг кадрсизланишини 1 фоизга камайтириш учун ишсизликни 2 фоизга оширишга, ЯММ ни эса 5 фоизга камайтиришга тўғри келади. Бундан кўриниб турибдики, пулнинг кадрсизланиши ишсизликка тескари, ЯММ га нисбатан эса тўғри мутаносибликдадир.

Ишсизлик, иқтисодий цикл ва инфляция – макроиқтисодий тушунчалар бўлиб, масалага ишсизликни камайтириш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бу борада мавжуд Филиппс эгри чизиги назарияси ва Оукен қонунини умумлаштирган ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, ишсизлик инфляцияга ҳам, ЯММ га ҳам тескари мутаносибликдадир, ишсизлик даражасини 1 фоизга камайтириш учун инфляцияни 0,5 фоизга, ЯММ ни эса 2,5 фоизга ошириш керак бўлади.

Яна шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, Ўзбекистонда ишсизлик даражасини аниқлаш услуби бўйича иш қидираётган киши ишсиз сифатида рўйхатдан ўтиши керак. Вахоланки, Халқаро Мехнат ташкилоти (ХМТ) услуби бўйича меҳнат қобилияти ёшига етган ҳолда календар йили давомида ишсиз бўлган аҳоли катлами ишсиз саналади. Демак, ишсизлик даражасини

ХМТ услубига амал қилган ҳолда ҳисобласак, бу кўрсаткич меҳнат органлари кўрсаткичларидан анча юқори эканлигининг гувоҳи бўламиз.<sup>2</sup>

Хар бир қараш тарафдорларини фақат бир нарса, яъни турли тадқиқотлар ва изланишлар, исботлар орқали ишсизликни олдини олиш ва меҳнатда самарали бандликка эришиш борасида энг оптимал усуллари таклиф этиш мақсади бирлаштиради. Ушбу тадқиқотлар ва гипотезалар орқали ишсизлик ва у билан боғлиқ муаммолар ҳозирда қуйидаги гуруҳларга бўлинган ҳолда тадқиқ этилмоқда.

**Фрикцион ишсизлик** - бўларга иш қидираётган ёки яқин вақтлар ичида иш билан таъминланишни кутаётган ишчи кучлари киради. Ишсизликнинг бу тури асосан мавсумий ишлар, ишлаб чиқаришлардаги эски моделнинг янгиси билан алмаштирилиши, иш ёки турар жойларини ўзгартиришлар, ўқув юртларини тугатиш ва шунингдек бошқа сабаблардан келиб чиқади. У доима мавжуд бўлиб, маълум бир даражада керакли деб ҳисобланади.

**Структурали ишсизлик** - бўларга асосан ишсизларнинг малакаларини ўзгартириши ва ошириши, маълумот олиши, касб эгаллаши лозим бўлган ишсизлар гуруҳлари киради. Фрикцион ишсизлик билан структурали ишсизликнинг асосий фарқи шундаки, биринчисида маълум малака ва тажриба мавжуд бўлади ва ундан фойдаланиб иш жойларини тезроқ топиб олишади, иккинчисида эса ишчи кучи дарҳол ва тезроқ иш жойларини топа олмайдилар. Структурали ишсизлик истеъмол бозори маълум маҳсулотлар билан тулдирилганда ва у маҳсулотга эҳтиёж қолмаганда пайдо бўлади.

**Даврий ишсизлик** - бу асосан ишлаб чиқаришнинг пасайиши натижасида ишчи кучига бўлган талабнинг камайишидан пайдо бўлади. Даврий пасайиш товар ва хизматларга бўлган ялпи таклифнинг камайиши, шунга мувофиқ, ялпи таклифнинг камайишини ва оқибатда аҳолини иш билан бандлигининг қисқариши ва ишсизликнинг ўсишини билдиради. Шу

---

<sup>2</sup> З.Р.Худойбердиев. Меҳнатда бандлик: назария ва амалиёт. Наманган, 2000 й. 43-бет

сабабли, даврий ишсизлик ишсизликнинг энг муаммоли кўриниши хисобланади ва бу кўринишдаги ишсизликнинг олдини олиш учун тезлик билан чоралар кўрилмаса, шундоқ ҳам инқирозга юз тўтаётган иқтисодиётнинг бутунлай издан чиқиб кетишига олиб келиши мумкин.

Иқтисодий жараёнларнинг тинимсиз ўзгариб боришини назарда tutar эканмиз, ишсизлик муаммосини хал этишда фрикцион ва структуравий ишсизликнинг иложсиз хол эканлига амин бўламиз. Бу эса ҳеч қачон иқтисодиётда мутлақ тўла бандликнинг имкони йўқлигини билдиради. Шу сабабли, тўла иш билан бандлик тушунчаси иқтисодиётдаги барча ишчи кучининг 100% иш билан таъминланганлигини билдирмайди.

Агарда даврий ишсизлик бўлмаса у холда тўла иш билан бандлиликка эришилади. Тўла иш билан бандлик даврдаги ишсизлик ишсизликнинг табиий даражаси дейилади. Бунга иш қидирувчилар сони бўш иш жойлари сонига мувофиқ келсагина эришиш мумкин.

Тахлиллар шуни кўрсатадики, мутлақ ишсизликни тугатиш ҳам иқтисодий самара бермайди. Чунки, бундай шароит иш ҳақининг меъёридан ортиб кетишига, ишлаб чиқариш жойларининг камайиб кетишига олиб келади, меҳнат ресурслари ўртасида рақобатни йуқолишига олиб келади. Шунинг учун «Ишсизлик даражасининг табиий миқдори қанча бўлиши мумкин?», деган масала устида иқтисодчилар жуда кўп фикр билдирган бўлсаларда, лекин бирор мамлакатда унинг аниқ миқдори белгиланган эмас. Халқаро меҳнат ташкилоти стандарти бўйича эса ишсизликнинг табиий даражаси 1,5 – 2,5 фоиз ни ташкил этиши белгиланган.<sup>3</sup>

Ўзбекистонда ишсизлик ўсишининг асосий сабаби – энг аввало, ўтиш давридаги инқирозлар сабабли, ишлаб чиқаришнинг кескин қисқаришидир.

---

<sup>3</sup> Холмуминов Ш. Меҳнат бозори иқтисодиёти, Тошкент, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси, 2004

Шунга кўра республикамизда ишсизликнинг асосан қуйидаги кўринишлари учрамоқда:

- *яширин ишсизлик*, бу асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқлари учун характерлидир ва бу ҳақиқий иш кучини камроқ миқдорда талаб қилади. Амалда ишсизликнинг яширин шакли фақат иқтисодий эмас, шу билан бирга сиёсий хусусиятга ҳам эгадир. Яширин ишсизлик ишлаб чиқаришнинг чуқур таназзули шароитида корхоналарда ортиқча бандликнинг сақланиб қолганлигидан далолат беради;

- *мавсумий*, маълум бир мавсумда иш билан бандликни таъминловчи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш, тайёрлаш муддати билан асосланган. Мавсумий ишсизликнинг ҳажми ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф мавсумий омилларининг барабар таъсир қилиши сифатида намоён бўлади;

- *технологик ўзгарувчан*, ишсизликнинг бу кўриниши фан-техника ютуқларини амалиётга тадбиқ этиш орқали кул меҳнати ўрнини машина эгаллаши натижасида юзага келади;

Шунингдек, энг асосий ишсизликни вужудга келтирган омиллардан бири - бу таркибий ишсизликнинг юзага келишдир.

## **1.2. Бандлик ва ишсизликнинг минтақавий хусусиятлари**

Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ишсизликнинг олдини олишда уларнинг минтақавий хусусиятларига алоҳида аҳамият қаратиш лозим. Буни бутун дунё ҳамжамияти давлатлари ўртасида ҳам, яхлит бир мамлакат миқёсида ҳам қуришимиз мумкин. Хусусан, ишсизликнинг дунё мамлакатлари миқёсида тахлили шуни кўрсатадики, ҳар бир давлат ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда «ишсизлик» ва ишсизлик билан боғлиқ кўрсаткичларнинг меъёрий асос ва

даражаларини белгилайди. Белгиланган меъёрий асос ва даражалардан келиб чиққан ҳолда мамлакат меҳнат ресурслари тўғрисида статистик ва бошқа ҳисоботлар юритилади. Меҳнат ресурслари устида ўтказиладиган турли тадқиқотлар эса айнан шу ҳисоботлардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Масалан, АҚШ да сўнгги бир ҳафта мобайнида иш билан банд бўлмаган, сўнгги тўрт ҳафта давомида ишга жойлашишга (бевосита иш берувчига ёки иш билан таъминлаш давлат хизматига мурожаат этиш орқали) ҳаракат қилган, меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган фуқаролар ишсиз шахс, деб эътироф этилади.

Японияда ишсиз шахс деб, сўнгги ҳафта давомида бир соат ҳам ишламаган, Буюк Британияда эса, сўнгги бир ҳафта давомида ишламаган, шу давр мобайнида иш қидирган ёки касаллиги туфайли иш қидириш имкониятига эга бўлмаган фуқаролар тушунилади.

Айрим мамлакатларнинг қонун ҳужжатларига биноан ишсиз деб, ишдан бушатиш ва меҳнат стажига эга бўлганлар тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунига биноан « . . . ишсиз шахс деб, меҳнатга қобилияти (ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминлаш ҳуқуқини олгунга қадар), ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадларига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахслар эътироф этилади»<sup>4</sup>.

Ишсиз шахс деб эътироф этиш учун қуйидаги тўртта шарт мавжуд бўлиши лозим.

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси қонуни. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида. Т., «Адолат», 1998

Биринчи шарт – фуқаро меҳнатга қобилиятли бўлиши ва амалдаги қонун ҳужжатларига биноан пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлмаслиги керак. Ҳуқуқий жihatдан меҳнат қилиш қобилиятининг куйи даражаси, «Меҳнат кодекси»нинг 77-моддасига мувофиқ 16 ёш деб белгиланган.

Иккинчи шарт – фуқаро ишга ва иш ҳақиға (меҳнат даромадиға) эға бўлмаслиги лозим.

Учинчи шарт – фуқаро ишлашға тайёр бўлиши лозим. Фуқаронинг ишлашға тайёр эканлиги, унинг маҳаллий меҳнат органиға қайтадан рўйхатдан ўтиб туриши ва меҳнат органлари томонидан таклиф қилинган мақбул ишни қабул қилиш ҳолатлари тасдиқлайди.

Тўртинчи шарт – фуқаро барча тегишли ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда маҳаллий меҳнат органиға иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатдан ўтиши лозим.

Бандлик ва ишсизликнинг минтақавий хусусиятлари мамлакат миқёсида бутунлай бошқа нуқтаи назардан ўрганилади.

Хусусан, Ўзбекистон меҳнат ресурсларини минтақавий жihatдан таҳлил қилинар экан, ҳудуднинг табиий географик жihatдан турлитуманлиги, жумладан, аҳолининг ҳудудлар бўйича ўта нотекис тарқалганлиги, иқтисодиётнинг муҳим тармоғи аграр соҳа бўлгани ҳолда суғорма деҳқончилик учун керак бўлган сув ресурсларининг нотекис тақсимланиши, саноат марказларининг тўпланиб қолганлиги ва энг асосий омиллардан бири, яъни ҳудудда яшовчи аҳоли орасида туғилиб ўсган ватандан турли сабаблар, шу қаторда иш билан банд бўлиш мақсадида бутунлай узилиб кетишнинг ўта пастлиги минтақадаги меҳнат ресурсларининг ўзига ҳос тарзда шаклланишиға олиб келади.

Чунки, бирор-бир мамлакатнинг ҳудуди табиий ва иқтисодий жihatдан мутлоқ бир хил бўлмайди. Ҳудди шунға мос равишда ишлаб чиқариш кучлари ҳам ҳудуд бўйича бир текис жойлашмайди. Нотекислик эса ўзига

хос ҳудудий-иқтисодий ривожланиш омилидир. Қизиги шундаки, ҳар қандай мамлакат ёки вилоят ўзининг ҳудудида ишлаб чиқариш кучларини бир текис жойлаштиришга, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тенглаштиришга ҳаракат қилади, аммо мутлоқ ҳолда бундай тенглик ҳеч қачон амалга ошмайди.

Ўзбекистон иқтисодиёти асосан майдони унча катта бўлмаган водий ва вохаларга тўғри келади. Масалан, Фарғона водийсида (ҳудуди Республика майдонининг атига 4 фоизини ташкил қилади) мамлакат иқтисодий-демографик салоҳиятининг деярли 30 фоизи жойлашган. Демак, бу ерда умумий ижтимоий-иқтисодий зичлик Республика ўртача кўрсаткичидан 7,5 марта зиёд.


Республика аҳолисининг бандлик кўрсаткичлари бугунги кунда жуда мураккаб шаклга кириб борди. Асосан аграр соҳа, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожланиши ҳисобига иқтисодиётда норасмий бандликнинг улуши ортиб бормокда. Меҳнатда бандликнинг схематик жихатдан талкин қиладиган бўлсак (1.2.1-схема), меҳнатга лаёқатли аҳоли меҳнатда бандлар, норасмий бандлар ва ишсизлар гуруҳларига бўлинади. Расмий бандлар ва ишсизлар расмий меҳнат бозорининг субъектлари ҳисоблансалар, норасмий бандлар норасмий меҳнат бозорида фаолият кўрсатадилар. (Норасмий бандликнинг назарий асослари тўғрисида қуйида алоҳида тўхталамиз).

Меҳнатга лаёқатли, иқтисодий фаол бўлган аҳолининг келтириб ўтилган бу 3 гуруҳи ўртасида узаро доиравий айланиш мавжуд бўлиб, хусусан, меҳнатда бандлар гуруҳига кирувчи меҳнатга лаёқатли аҳолининг маълум қисми муайян вақт оралигида норасмий бандлар ёки ишсизлар гуруҳига, ишсизлар ҳамда норасмий бандлар эса меҳнатда бандлар гуруҳига ўтиб қолишлари мумкин. Бунда ҳудуддаги демографик вазиятни, соҳалардаги институционал, технологик ўзгаришларни, ортиқча ишчи


кучини сохалардан бушатишни, бозор конъюнктурасига мослашишни хисобга олиб юритилган давлат сиёсати катта ўрин тутди. Ишсизларни меҳнатда бандлар гуруҳига ўтишларида жойлардаги меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимлари воситачилик вазифасини бажаради.

Шуни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керакки, айрим ҳолларда меҳнатда бандлик замирида яширин ишсизлик ётади. Бу ҳолни эътиборга олмаслик ижтимоий-сиёсий барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бу ҳолатни «ишловчи ишсизлар» ёки «ишчи кучидан тўла фойдаланмаслик» категориялари билан боғлаш мумкин. Анъанавий меҳнатда бандлик таркибига кирувчи мавсумий бандлик (кўпроқ ер билан боғлиқ ишлаб чиқариш фаолияти)да меҳнатга лаёқатли аҳолининг асосан киш фаслида ишсиз қолишлари - мавсумий ишсизликни келтириб чиқаради. Ноанъанавий меҳнатда бандликнинг барча шаклларида эса қисман ишсизлик мавжуд. Мавсумий ҳамда қисман ишсизлик турлари эса яширин ишсизликнинг таркибий қисми ҳисобланади. (Ишсизликнинг таснифи 1.2.1-схемада берилган).




<sup>5</sup> Худойбердиев З. Бандлик. Наманган, 2003 й. 14-бет



1.2.2-схема

## Ишсизликнинг таснифи<sup>6</sup>



<sup>6</sup> Худойбердиев З. Бандлик. Наманган, 2003 й. 27-бет

1.2.1-схемада келтирилган бандликнинг ноанъанавий шакли кўпроқ қизиқиш уйғотади. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар аҳолини меҳнатда бандлигининг янги шакл ва усулларини излашни талаб қилмоқдаки, бундай шароитда меҳнатнинг ноанъанавий шаклларида фойдаланишдаги хорижий давлатлар тажрибалари билан танишиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу соҳа ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнатга лаёқатли аҳолини доимий даромад манбаи билан таъминлаш, пировардида аҳоли турмуш даражасини ошириш омилларидан бири ҳисобланади.

Ғарб тадқиқодчилари иқтисодиётда банд бўлган меҳнатга лаёқатли аҳолини иккита асосий гуруҳга бўладилар:

- Анъанавий (ўзгармас, мутаносиб, узлуксиз), яъни тўла иш ҳафтасида домий меҳнатда бандлар;

- Эгилувчан (ноанъанавий, одатдан ташқари) меҳнатда бандлар.

Эгилувчан меҳнатда бандлик ёлланма меҳнат таркибининг ўзгариш тенденциясини ифодаловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. У эгилувчан меҳнат бозорининг таркибий қисми бўлиб, бу меҳнат бозори яна бир қатор унсурларни ўз ичига олади:

- а) функционал эгилувчанлик (кўникмаларга, кенг миқёсдаги мутахассисликка эга бўлган ишчиларнинг ўрин алмашиб ишлаши);

- б) меҳнатга ҳақ тўлашнинг эгилувчан тизимлари;

- в) масофавий эгилувчанлик (марказлашмаган ишлаб чиқариш, яъни кичик фирмаларда субконтракт тизими асосида ишлаш);

- г) ишчи кучини ишлаб чиқаришга жалб этиш (худудий, тармоқлараро).

АҚШ, Европа Ҳамдустлиги мамлакатларида меҳнатда банд аҳолининг 2/3 қисми биринчи гуруҳга, 1/3 қисми эса иккинчи гуруҳга тааллуқлидир. Буюк Британияда иккинчи гуруҳга мансуб меҳнатга лаёқатли аҳоли меҳнатда банд аҳолининг 35 фоизини, Данияда 43 фоизини, Нидерландияда 36

фоизини, Бельгия ва Германияда 31 фоизини, Ирландияда 33 фоизини, Францияда 29 фоизини ташкил этади.

Ғарб мамлакатларида эгилувчан меҳнатда бандликнинг кенг тарқалишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Улар орасида ишлаб чиқаришни ташкилий-техник қайта қуриш, унинг рақобатлаша олиш қобилиятини ошириш, ишчи кучидан самарали фойдаланиш каби омиллар мавжуд.

Ишлаб чиқаришнинг узлуксиз таркибий янгиланиши мустақил, тахлилий фикрлай оладиган, янги технологияни тезда узлаштириб оладиган мутахассисларга эҳтиёж туғдиради, бундай ҳолат меҳнатни ташкил этишнинг янги, кўпроқ эгилувчан шаклларида фойдаланишни талаб этади.

Яна шундай вазиятлар вужудга келадики, биринчи томондан малакали ишчи кучига бўлган эҳтиёж ортади, иккинчи томондан оддий операцияларни бажарувчи ишчиларга бўлган талаб сакланиб қолади. Бундай шароитда доимий ва эгилувчан ишчи кучларидан бир вақтда фойдаланиш меҳнатни ташкил этишнинг энг муносиб шакли ҳисобланади.

Эгилувчан меҳнатда бандликнинг тез суръатлар билан ривож топишида ташкилот ва корхоналарнинг иш ҳақини иқтисод қилишга ўринишлар муҳим ўрин эгаллайди. Эгилувчан меҳнатда бандлар тўла иш вақтида банд бўлган ишчилар фойдаланадиган имтиёзлар (касал бўлганда ҳақ тўлаш, дам олиш ва байрам кунлари ишлагани учун иш ҳақини ошириш каби)дан маҳрум этилганликлари эвазига корхона ва ташкилотлар иш ҳақидан «иқтисод» қилишлари мумкин. Кўриниб турибдики, меҳнатда бандликнинг эгилувчан шаклида банд бўлганлар меҳнат бозорида ҳам химояланган саналишади. Анъанавий ишчи кучига нисбатан ноанъанавий (эгилувчан) ишчи кучи мураккаб тузилишга эга.

Унинг таркибига қуйидаги асосий гуруҳлар киради:

- Тўлиқсиз иш куни ёки хафтасида банд бўлган, лекин корхона штатида турадиган ишчилар;

- Мавсумий (вақтинчалик), яъни маълум вақти кўрсатилган шартномалар асосида ишловчи ишчилар;

- Уйда ишловчилар.

Баъзи тадқиқотчилар эгилувчан ишчи кучига мустақил ишловчиларни (кичик тадбиркорлар, яқка меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар ва бошқалар) ҳам кушадилар. Шунинг учун бу гуруҳларнинг чегараси кўзгалувчан бўлиб, улар фақатгина бир-бирларига тўғри келибгина қолмай, балки бир-бирларини тулдирадилар ҳам.

Тўлиқсиз иш кунида бандликни ижтимоий ходиса ва инсоннинг ўз эҳтиёжи сифатида фарқлаш зарур. Кишилар Тўлиқ иш кунида ишлашни хоҳлаган тақдирда, Бироқ тўлиқсиз (қисқартирилган) иш кунида ишлашга мажбур бўлиб қолсалар, тўлиқсиз иш кунида бандлик ижтимоий ходиса сифатида намоён бўлади. Бундай пайтда тўлиқсиз меҳнатда бандлик қисман ишсизлик кўринишини олади.

Меҳнатда тўлиқсиз бандлик меҳнатга лаёқатли аҳоли маълум қисмининг эҳтиёжидан келиб чиқиши ижобий ҳол ҳисобланади. Бу меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш қидириб юрган ҳамда меҳнат қобиляти чегараланган, тўла иш кунида ишлаш имконияти бўлмаган тоифаси учун ўринлидир. Бу ҳол, асосан аёлларга, хусусан, кўп болали аёлларга ҳосдир. Шунинг учун меҳнатда бандликнинг бундай шаклларига истиқболли ходиса сифатида қараш лозим. Чунки, бундай меҳнатда бандлик фақат ишсиз юрганларни ва аёлларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этибгина қолмасдан, балки меҳнатда бандлик даражасини оширади, меҳнатда бандлик билан оналикни мутаносиблигини таъминлайди.

Маълум оилавий ахвол, соғлиқ даражаси билан боғлиқ равишда меҳнатда банд бўлмаган аҳолининг 25-30 фоизи уйда ва тўлиқсиз иш куни

ёки хафтасида банд бўлишни маъқул кўрадилар. Мехнат қобилияти чекланган аҳолини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш имкониятларини ҳисобга олиб, меҳнатнинг уйда ишлаш шакллари кенг миқёсда қўллаш муҳимдир. Бу шакллардан айниқса, туғилиш даражаси юқори бўлган ва кўп болалилик кенг тарқалган ҳудудларда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирда аксарият корхона ва ташкилотлар уй меҳнатига кам эътибор бермоқдалар. Бу эса уз навбатида, биринчидан, меҳнат қобилияти чекланган аҳолининг кўп қисмини расмий иқтисодиётда қатнашиш имкониятларидан маҳрум этади, иккинчидан, аёллар тўла иш кунларида ишлашлари натижасида оилага етарли эътибор беролмайди, ишлаб чиқариш топшириқларини бажара олмайди, меҳнат унумдорлиги ва меҳнат интизоми паст бўлади. Уй меҳнатини қўллаш етарли даражада иқтисодий фойдали ҳисобланади. Чунки, уйда ва тўлиқсиз иш кунида ишловчиларнинг меҳнат унумдорлиги (ишлаган вақтига ҳисоблаганда) тўла иш кунида ишловчиларга нисбатан юқори бўлади.

Хусусан, Болтиқбўйи давлатларида ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, 8 соатлик иш ҳажмини тўлиқсиз иш кунида ишловчилар ишлаб чиқаришда тўлиқ банд бўлган ишловчиларга қараганда тезроқ бажаришган. Бу табиий бўлиб, қиска иш вақтида ишчи кам вақтини бекор ўтказади ва унумлироқ ишлайди.

Шунинг учун ҳозирда меҳнатни ташкил қилишнинг бу шаклларида фойдаланаётган корхона ва ташкилотлар уй меҳнатининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи сабабларни ўрганиб, уйда ишловчиларни транспорт, асбоб-ускуна, ёнилғи, хом ашё билан таъминлаш масалаларини ҳал қилишлари, бунда уйда ишловчиларнинг асбоб-ускуналарини ўз вақтида ва сифатли таъмирлаш учун уларга хизмат кўрсатувчи таъмирловчилар гуруҳини тузиш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга меҳнат органлари оммавий-ахборот воситалари орқали меҳнатда бандликнинг бу шакллари афзалликларини реклама қилишлари лозим.

Юқорида сўз юритилган меҳнатда бандликнинг ноанъанавий, махсус шакллари амалиётда қўллаш жамият фойдаси нуқтаи назаридан, кўп капитал қўйилмаларисиз меҳнатда бандлик кўламларини кенгайтириш имконини беради. Аҳоли фойдаси нуқтаи назаридан эса меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнатнинг бундай шаклларига бўлган эҳтиёжлари қондирилади. Агар ғарб давлатларида бундай меҳнатда бандликнинг махсус шакллари қўллаш, асосан ижтимоий ишлаб чиқаришда банд аёлларни сақлаб қолиш бўлса, Ўзбекистонда бундай меҳнатда бандлик шакллари қўллаш ижтимоий ишлаб чиқаришга аёлларни ҳамда, хусусан кўп болали, ишламайдиган аёлларни ҳамда иш қидириб юрган кишиларни ҳам жалб этишдан иборат.

Иш қидириб юрган кишиларни нокопоратив бизнеснинг турли соҳаларига, жумладан, якка тартибда кийим-кечак, пойафзал тикиш, уй мебелларини яшаш каби ишларга жалб этиш уларга ёрдам кўрсатишнинг самарали йўналиши бўлиб қолди.

Шунинг учун уй меҳнати ва тўлиқсиз иш кунидан фойдаланишга ҳозирги пайтда инсонга ғамхўрлик нуқтаи назаридан ёндошош керак. Юқоридагилардан келиб чиқиб, биринчи томонидан, ҳар бир вилоятдаги моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг меҳнатда бандликнинг бундай шаклларида фойдалана олиш имкониятларини ўрганиш, иккинчи томондан эса мазкур корхоналар теварагидаги аҳолининг меҳнатда бандликни бундай шаклларига бўлган эҳтиёж ва имкониятларини ҳисобга олиш амалиёт нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқдир.

Чунки, бу масаланинг хар бир амалий ечими замирида инсон, шахс, унинг оиласи, болалари туради, кенг маънода олганда эса оиланинг турмуш даражаси, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш ҳамда ўсиб келаётган авлод тақдири ётади.

1-схемага асосан, меҳнатга лаёқатли аҳолини иқтисодий фаол ва нофаол аҳолига ажратсак, иқтисодий фаол аҳолини таркибий қисми бўлган ишчи кучини меҳнатда банд бўлганлар ва ишсизлар йигиндисига тенглигини инобатга олсак, иқтисодий фаол аҳолининг яна бир таркибий қисми ҳам мавжудлиги кўриниб турибди. Иқтисодий фаол аҳолининг бу қисмини норасмий бандлар ташкил этади. Демак, ишсизлик билан бирга норасмий бандлик ҳам мавжудки, қонун йўли билан тақиқланмаган, аммо даромад келтирувчи хар қандай фаолият шунга киради.

Шундай экан, меҳнатда банд бўлганларни шартли равишда 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

- Давлат секторида расмий бандлар;

- Нодавлат секторида расмий бандлар;

- Норасмий секторда бандлар.

- Норасмий секторда бандлик муаммоси ижтимоий-иқтисодий вазиятни баҳолашдаги қийинчиликлар билан узвий боғланганлиги учун ҳам унинг ривожланиш тенденциясини, амал қилиш кўламини ўрганиш зарурати бор.

Норасмий бандликнинг алоҳида турлари ислохотлар давригача ҳам мавжуд бўлган (чеварлар, репититорлар ва б.). Бироқ, бозор муносабатларига ўтиш шароитида норасмий бандликнинг характери, амал қилиш кўлами, таркиби ва унинг иқтисодиётдаги ўрни бутунлай ўзгарди.

Норасмий сектор меҳнат бозорининг мустақил сегментиға айланди ва у аҳоли бандлигиға ҳамда ижтимоий-иқтисодий вазиятға сезиларли даражада таъсир кўрсатмокда.

Норасмий бандликни қуйидаги кўринишларға бўлиш мумкин:

*Фаолият тури бўйича.* Малака талаб қиладиган ва етарли даражада яхши ҳақ тўланадиган ишлар (алохида дарс бериш, тиббий хизмат кўрсатиш, кийим-кечак тикиш, автомобилларни таъмирлаш, курилиш ишларини бажариш ва б.) ва малака талаб қилмайдиган ишлар (майда савдо-сотиқ, тургун бўлмаган савдо шахобчаларида савдо-сотиқ билан шуғулланиш ва б.) га бўлинади.

*Норасмий фаолият кўрсатиш ва даромад олиш усули бўйича.* Якка тартибда бандлар, рўйхатга олинмаган ишлаб чиқариш бирликларининг эгалари ва ишчилари, рўйхатга олинган корхоналарда норасмий ишловчилар, ўз иш ўрнида ҳисобга олинмаган фаолият олиб боровчи расмий секторда банд бўлганлар ва уз корхоналарининг ҳисобга олинмаган, солиқ тўлашдан яширилган фаолиятидан даромад оловчи расмий секторда банд бўлганларга бўлинади.

*Бандлик мақоми бўйича.* Фақат норасмий секторда банд бўлганлар (улар учун норасмий бандлик бирламчи ҳисобланади) ва ишни расмий ҳамда норасмий секторда биргаликда олиб боровчиларга бўлинади (улар учун норасмий бандлик иккиламчи ҳисобланади).

Норасмий сектор барча мамлакатларда мавжуд бўлиб, агар ривжланаётган мамлакатлардаги норасмий секторни кўриб чиқадиган бўлсак, аввало, «норасмий сектор» тушунчаси Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан улар учун киритилган эди ва норасмий секторга фақат якка тартибда ишловчилар ҳамда рўйхатдан ўтмаган кичик ишлаб чиқариш бирликлари (фақатгина улар уй хўжалиги корхоналари ҳисобланган тақдирда) қисман киритилган.

Юқорида таъкидланган ўз корхоналарининг ҳисобга олинмаган фаолиятидан даромад оловчи расмий секторда ишловчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини ҳуфиёна иқтисодиётга ҳам мансуб, дейиш мумкин.

Шунинг учун расмий ва норасмий сектор ўртасидаги, норасмий сектор ва иқтисодий нофаоллик ўртасидаги, норасмий сектор ва хуфийёна иқтисодиёт ўртасидаги, хуфийёна ва криминал иқтисодиёт ўртасидаги чегарани етарли даражада шартли, дейиш мумкин.

Асосан, бу тушунчалар ўртасидаги фарқни бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошдан кечираётган давлатларда ажратиш мушкул. Бундан ташқари, ҳар бир давлатда давлатларнинг спецификасига қараб норасмий секторга турлича таъриф берилади.

Хусусан, Россияда норасмий сектор деганда - расман рўйхатга олинмаган, солиқ тўламайдиган, фуқаролар томонидан мустақил ва кичик ишлаб чиқариш бирликлари доирасида олиб бориладиган, расмий сектордаги корхоналарнинг меҳнат воситаларидан фойдаланган ҳолда даромад топиш билан банд бўлганлар кўзда тутилади. Бунда ишлаб чиқариш бирликлари уй ҳўжалиги корхоналарига мос тушмаслиги мумкин. Ишлаб чиқариш бирликлари ҳажмининг белгиси сифатида эса корхоналардаги ишловчилар сонини кўзда тутиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ривожланаётган мамлакатларда норасмий фаолият билан бирламчи шуғулланиш норасмий бандлик сифатида қаралади. Чунки, норасмий фаолият билан иккиламчи шуғулланишни аниқлашда мушкулотлар мавжуд.

Норасмий бандлик баъзида камбағалликни келтириб чиқарса, баъзида фавқулодда юқори даромад келтириши ҳам мумкин. Хусусан, Россияда норасмий сектор унда банд бўлганларга ривожланаётган мамлакатлардагига қараганда юқори даромад келтирмоқда ва бу ҳолат норасмий секторда банд бўлганларнинг маълумот даражасини юқорилиги билан характерланади.

Норасмий сектор бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатларда кўпроқ савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида яққол кўзга ташланса, ривожланаётган мамлакатларда қайта ишлаш саноати норасмий бандлик даражаси бўйича чакана савдодан кейин туради ва ривожланган

мамлакатларда норасмий фаолият асосан тўқимачилик саноатида ва тери махсулотлари ишлаб чиқаришда кўзатилади.

Норасмий секторнинг ҳам ижобий, ҳам салбий жихатлари мавжуд.

Хусусан, унинг ижобий томонларига қуйидагилар киради:

- бандлик ва аҳоли даромадлари муаммоларини ечишда ёрдам беради;
- товар ва хизмат кўрсатиш бозорини кенгайтиради;
- етарли даражада ишсизликнинг ўсиши ва аҳоли турмуш даражасини кескин пасайиб кетиши олдини олади;
- кўпчиликка қулай иш режимини танлашга имкон беради.

Шунингдек, норасмий сектор муайян долзарб ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради. Жумладан:

- у криминал мухитни ривожланиши учун қўшимча шароитлар яратади;
- бу секторда банд бўлганлар ижтимоий кафолатларга эга бўлмайдилар ва меҳнат шароитлари устидан назорат ўрнатилмайди;
- норасмий секторнинг, асосан майда савдо-сотиқ, турли хил хизматлар кўрсатиш соҳасидаги бандлик хусусий шахсларни қисман малака ва профессионал тажрибаларини йўқотишларига олиб келади;
- бандликнинг мунтазам бўлмаган характери мунтазам ишдан узоқлаштиради.

Юқоридаги ҳолатлар пировард натижада бу секторда банд бўлганларнинг асосий қисмини, асосан ёшларни малака ва тажрибасидан ажралишига ҳамда люмпенлашувига олиб боради.

Шунингдек, норасмий сектор:

- таклиф этилаётган товар ва хизматларнинг сифати устидан назоратни қийинлаштиради. Бу ҳол истеъмолчилар учун салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин;

- давлат эса солиққа тортиладиган даромадларнинг яширилиши натижасида бюджетга тушиши мумкин бўлган маблағларнинг маълум қисмини ола олмайди;

- Норасмий бандлик мавжуд бўлган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бундай бандлик расмий секторда ишчи ўринлари яратилиши билан ўз-ўзидан йўқолмайди.

- Шунингдек, норасмий секторга нисбатан таъқиқловчи чоралар қўллаш ҳам ўзини оқламайди.

Норасмий бандликка нисбатан давлатнинг қаттиқ сиёсати натижасида норасмий секторнинг қисқариши ишсизликни бирданига ўсиб кетишига олиб келади. Чунки, норасмий банд бўлганларнинг аксарият қисми расмий секторда ишга жойлаша олмайдилар. Шунингдек, давлат томонидан бундай сиёсатнинг юритилиши норасмий секторда иккиламчи банд бўлганларнинг турмуш даражасини бирданига пасайтириб юборади.

Норасмий секторнинг ривожланиши кўпроқ ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятга боғлиқ бўлади. Ишсизликнинг ўсиши, иш ҳақининг ва аҳоли турмуш даражасининг пастлиги, расмий секторда ишчи кучига етарли талабнинг йўқлиги, расмий бандликнинг беқарорлиги (корхоналарнинг банкротга учраши, корхоналардан ишловчиларнинг бушаб чиқишини доимий кўтилиши) норасмий секторнинг ўсишига олиб келади.

### **1.3. Демографик омиллар ва уларнинг ишсизликка таъсири**

Демографик омилларни ўрганиш минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатлари аҳолининг ўсиш суръатига мос келиши ёки келмаслигини, унинг меҳнатга лаёқатли қисмини иқтисодиёт тармоқларида самарали бандлигини билиш учун муҳимдир.

Демографик жараёнларнинг турли томонларини ёритувчи умумлашган кўрсаткичларини мукаммал тахлил этиш зарурияти «Минтақада ўзига хос демографик вазият узок сақланадими ёки ўзгарадими?», деган саволга жавоб беради ва шу аснода бандлик муаммосини хал этишга кумак беради.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва аҳоли сонининг ўсиши ўртасида зиддият ёки номувофиқлик юзага келганда демографик муаммолар кескинлашади.

Демографик муаммоларни хал этишда масаланинг 2 жихатига алохида эътибор қаратиш зарур. Биринчи жихати - туғилишнинг ва болалар ўлимининг юқорилиги, аҳолининг жинсий ва ёш таркибида ёшларнинг кўплиги билан боғлиқ бўлса, иккинчи жихати - меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг кўпайишидан уларни иш ўринлари билан таъминлашнинг орқада қолиши билан боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан аҳоли нуфуси мукаммал тахлил талаб этади.

Тахлиллар шуни кўрсатдики, республикада аҳоли нуфуси ислохотлари бошланган даврдан буён ва келгусида кескин ўзгариши кўзатилмоқда.

Ўзбекистон аҳолиси 2010 йилга бориб 29 млн., 2015 йилда 31 млн., 2020 йилда 33 млн., 2025 йилда 35 млн. нафарга етиши башорат қилинмоқда.<sup>7</sup>

Худудий демографик сиёсатнинг асосий вазифаси - туғилишни оптималлаштириш, болалар ўлимини камайтириш йўли билан аҳоли кўпайишининг оптимал даражасини шакллантириш учун шароит яратиш хисобланади.

Ўзбекистондаги демографик жараёнларда миграциянинг таъсири сўнгги йилларда сезиларли даражада ортиб бормоқда (1.3.1-жадвал). Яъни, 1980 йилларда республика аҳолисининг ўсиш кўрсаткичида миграция қолдиғи 9,9 фоизлик манфий қолдикка эга бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1990

---

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари.

йилга келиб турли иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар туфайли 32,3 фоизлик манфий қолдик даражасига етган.

1.3.1-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси аҳолисining ўсиш кўрсаткичлари

| Йиллар | Аҳоли сони | Йиллик ўсиш кўрсаткичлари |           |                |
|--------|------------|---------------------------|-----------|----------------|
|        |            | умумий                    | Хақиқатда | Миграция таъс. |
| 2000   | 1953,2     | 325,4                     | 392,0     | -66,6          |
| 2001   | 1982,7     | 302,7                     | 380,5     | -77,8          |
| 2002   | 2013,7     | 312,1                     | 395,4     | -83,3          |
| 2003   | 2042,5     | 379,5                     | 372,5     | -93,0          |
| 2004   | 2073,2     | 313,9                     | 410,0     | -96,1          |
| 2005   | 2103,6     | 291,3                     | 399,0     | -107,7         |
| 2006   | 2133,7     | -                         | -         | -              |
| 2007   | 2174,3     |                           |           |                |
| 2008   | 2217,2     |                           |           |                |
| 2009   | 2236,0     |                           |           |                |
| 2010   | 2267,5     |                           |           |                |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

Бироқ, республика иқтисодиёти ва сиёсий жараёнлардаги барқарорлашув натижасида 1995-2000 йилларга келиб миграция қолдиғи 13,2 фоиз манфий даражагача тушиши кўзатишга эришилган. Лекин, сўнгги беш йилликда бу кўрсаткични яна ортганлигини ва 23,4 фоизлик манфий даражага етганлигини қуришимиз мумкин. Ушбу миграция қолдиғида эса даромад топиш мақсадида турли қонуний ва ноқонуний йўллар билан чет элларга чиқиб кетган меҳнат ресурсларининг улуши салмоқли эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

қишлоқ жойлардаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ўсиш суръатлари шаҳар жойлардагидан ҳамон сезиларли даражада фарқ қилади.

Бундай вазият қишлоқ аҳолисининг бандлиги борасидаги ахволни кескинлаштиради ва ҳудудлардаги нуфус жараёнларининг истикболдаги ўзгариш тамойилларини ўрганиш, унинг натижаларига асосланган ҳолда меҳнат бозорида рўй берадиган муаммоларни ҳал этиш учун жадаллик билан чора-тадбирлар курилишини талаб этади.

Ўзбекистонда шу жумладан, Наманган вилоятида ҳам катта оилалар сони камайиб, ўртача катталиқдаги (4-6 киши) оилалар сони ортиб бормокда. Оилаларнинг катта-кичиклигига қараб тақсимланиши уларнинг кўпайиш ёки камайиш тенденциялари тўғрисида умумий тасаввурни беради.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат аҳоли сонининг тез ўсишидек демографик муаммони катта маблағ сарфлаб вазиятни тубдан ўзгартира олмаган.

Туғилиш ва уни чеклаш билан боғлиқ демографик чоралар ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожланиши билан мос келмаса кўтилган натижани бермайди.


Хиндистон тажрибаси шуни кўрсатадики, туғилишни бошқариш чораларининг кенг тарғиб этиш натижасида фақатгина демографик вазият бироз юмшатилди, лекин муаммо охиригача ечилмади ва меҳнатга лаёқатли аҳолидан фойдаланиш кескинлигича қолди. Муаммони японча ечиш йўли самаралироқдир. Асримизнинг 40-йилларида Японияда оғир иқтисодий вазият ва демографик шароит юзага келди.

*1.2.1-график<sup>8</sup>*

---

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари.

**Ўзбекистон Республикасида 2002-2010  
йилларда ишга жойлашишга мухтож аҳоли  
сонини**



Муаммони ечиш учун умуммиллий оилани режалаштириш дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастурда фақатгина туғилиш чегараланмай, балки мамлакатдаги мавжуд ижтимоий тизимнинг ривожлантирилишига катта аҳамият берилди. 50-йилларнинг ярмидан бошлаб Япония иқтисодиётининг тез ривожланиши ва фан-техника тараққиёти аҳолининг малакасини оширишни, маданияти ва маълумотлилиқ даражасини юксалтиришни, хуллас янги турмуш тарзини талаб этди. Натижада кўпболалилик анохранизмга айланди, яъни нисбий ва гайритабiiй мазмун касб этди. Турмушнинг сифат томонига талабнинг юқорилиги оилада болалар сонини чегаралаш заруриятини туғдирди. Чунки, яратилган янги ишчи ўринлари малака, билим савиясини юқори бўлишини талаб этди.

Хитой тажрибаси шуни кўрсатадики, демографик вазиятни ўзгартириш бўйича маъмурий-тарғибот чораларини куриш бироз самара берди. Аҳолининг миқдоран ўсиши давлат олиб борган йўналиш бўйича ўзгарди, Бироқ бу чоралар ота-онани хохлаганча фарзанд куриш истакларига

тўсқинлик қилди ва аянчли ҳолатларни юзага келтирди (иккинчи ва ундан ортик фарзандни давлатдан яшириб қуриш ва бошқалар). Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Хитойда қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашда ўрганса арзийдиган тажриба орттирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистон бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўплаган ва республика шароитига тадбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибаларидан шак-шубҳасиз самарали фойдаланади. Гап бирон-бир моделни, ҳатто у ижобий натижа берган тақдирда ҳам, қур-қурона қучириб олиш тўғрисида бораётгани йўқ. Аниқ-равшан воситалар ва усуллар қайси мамлакат учун мўлжалланган бўлса, уша давлатнинг ўзига хос шароитидагина ижобий натижа беради.

## **II-БОБ. Наманган вилоятида бандлик ва ишсизлик муаммолари**

### **2.1. Наманган вилоятида меҳнат ресурслари, уларнинг минтақавий хусусиятлари ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари**

Наманган вилояти меҳнат ресурслари ва уларнинг ўзига хос минтақавий хусусиятлари энг аввало табиий омилларга боғлиқ ҳолда шаклланганлиги билан аҳамиятлидир. Чунки, вилоят иқтисодиётининг республикада бўлгани каби, аграр тармоқнинг устунлиги, саноат ва хизмат кўрсатишнинг ўта тараққий этмаганлиги ҳудуддаги меҳнат ресурсларининг шаклланиши, улардан фойдаланиш кўрсаткичлари, бандлик ва ишсизлик муаммоларининг асосида табиий омиллар асосий ўрин тутди.

Наманган вилоят Ўзбекистон Республикаси шарқий қисмида, Фарғона водийсининг эса шимолий қисмида жойлашган бўлиб, таркибида 11 туман, 8 шаҳар ва 11 шаҳарча мавжуд.

Майдони 7,4 минг км<sup>2</sup>, ёки Республика худудининг 1,7 фоизини ташкил қилади.

Аҳолиси, 2010 йил маълумотиға мувофиқ 2267,5 минг кишини ташкил этади<sup>9</sup>.

Маъмурий маркази - Наманган шаҳри.

Вилоят аҳоли 1980-2006 йилларда 182,8 фоизга ёки ўртача ҳар йили 3,1 фоизга кўпайиб борган. Бу жихатдап у Республикамизда аҳолиси нисбатан тез ўсиб бораётган Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари қаторига киради. (Ўзбекистонда ўртача кўпайиш 1,95 фоизга тенг).

Наманган вилоятида аҳолининг зичлиги ўртача 1 км<sup>2</sup> га 288 кишини ташкил қилади. Бу рақам қўшни Фарғона ва айниқса Андижон вилоятига қараганда бироз пастроқ бўлсада, у республика кўрсаткичидан 5 марта кўпдир.

Вилоят меҳнат ресурслари шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилар эканмиз, унинг қуйидагича кўринишда эканлигини кўзатилади. Яъни:

- *аҳолининг асосий қисми қишлоқларда истиқомат қилиши.* Вилоятда аҳолининг 1\3 қисми, яъни 64,3 фоиз аҳоли қишлоқларда истиқомат қилади. Шунингдек, аҳолининг ўсиши қишлоқ жойларда шаҳарга нисбатан юқори бўлиб, бу эса яқин йиллар ичида ҳам бу кўрсаткичнинг сақланиб қолинишидан далолат беради.

- *меҳнат ресурсларининг азалдан фарқли меҳнат тажрибаси ва имкониятларга эга эканлиги.* Наманган вилояти асосан аграр иқтисодий ривожланиш хусусиятига эга вилоят бўлганлиги сабабли, ушбу худудларда жойлашган аҳолининг асосий қисми ҳам табиий тузилиши бу худудларда истиқомат қиладиган аҳоли учун ўзига хос имконият ва тўсиқларни вужудга

---

<sup>9</sup> Наманган вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожалниш кўрсаткичлари, йиллик статистик туплам (2010 йил)


келтирган. Натижада Янгиқурғон, Косонсой, Чорток каби туманларда аҳолининг асосий қисмида боғдорчилик ва қисман сабзавотчилик ривожланган бўлса, Уйчи, Учқўрғон, Наманган ва Тўрақўрғон туманларида сабзавотчилик ва қисман боғдорчилик ривожланган. Норин, Мингбулоқ ва Поп каби туманларда эса қишлоқ аҳолисининг асосий қисми сабзавотчилик, полиз ва шоли етиштириш билан шуғулланади. Шу сабабли, ҳар бир ҳудудда ушбу маҳсулотларни етиштириш ва қайта ишлаш бўйича тарихий усуллар ва тажрибалар тўпланган.

Шунингдек, Республикаимизнинг асосий стратегик қишлоқ хўжалик маҳсулоти бўлган пахта ва галла етиштириш ҳар бир ҳудуднинг табиий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда тақсимланган.

*- вилоятда аҳолининг юқори бандлик даражасини таъминловчи саноат корхоналари, жумладан йирик саноат ишлаб чиқариш корхоналарининг камлиги.* Вилоятда саноат ишлаб чиқариши Республика миқёсида олиб қаралганда нисбатан кам ривожланган. Жумладан, қўшни Андижон вилоятида ҳар бир саноат корхонасида ўртача 365 киши банд бўлса, Наманган вилоятида бу кўрсаткич 276 кишига тўғри келади.<sup>13</sup> Вилоятнинг асосий саноат маркази Наманган шаҳри ҳисобланади ва қисман Чуст, Поп, Учқўрғон ва Косонсой туманларида саноат корхоналари мавжуд. Бу эса ўзидан вилоят аҳолисининг асосий қисмини қишлоқ хўжалигида самарасиз меҳнатда банд бўлишига сабаб бўлмокда. Ҳозирги кунда Наманган вилоятида меҳнат бозорини шакллантириш хусусиятларига қуйидаги макроомиллар таъсир кўрсатмокда:

- Бозор муносабатларининг қарор топиши ва ривожланиши, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг амалга оширилиши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий мустақиллик шароитида хўжалик

юритишнинг янги шакллари хусусий ва якка тартибдаги бизнес соҳасининг  
ривожланиши;

**Наманган вилоят аҳолисining йиллик ўсиши**

Манба: Наманган вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари

- Иқтисодиётни эркинлаштириш, молиявий барқарорликка эришиш, бюджетдаги камомадни тугатиш, сумни алмашув курсини барқарорлаштириш ва хоказоларга қаратилди (ҳозирги иқтисодий сиёсат).

Ишчи кучининг қайта тақсимланиши, унинг меҳнат бозоридаги ҳаракатига, бинобарин ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги миқдор-сифат жиҳатдан мувофиқликка эришиш кўламларига бевосита таъсир этувчи омиллар ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янгича шароитларини шакллантирадиган макроомилларга боғлиқ.

Бундай жиҳатларга аввало қуйидагилар киради:

- Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолининг даромадлари ва турмуш асосларини, ижтимоий ҳимояланиш имкониятлари мезонларини, маданий-маърифий салоҳиятнинг шаклланишини таъминлайдиган ижтимоий-иқтисодий омиллар;

- Ижтимоий-демографик, аҳолининг жинс-ёш жиҳатдан тузилиши, қайта ишлаб чиқариш тартиблари, яъни ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг нисбатига кенг миқёсли таъсир кўрсатувчи омиллар;

- Ишчи кучини (уни тайёрлаш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш) ҳамда маъмурий-худудий тузилмалар ўртасидаги бандликни таъминлаш соҳасидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини шакллантирадиган ташкилий-сиёсий тузилиши;

- Аҳолининг ҳаракатланиш даражаси ва бандликни ташкил этишнинг мақбул шароитларидаги тафовутни келтириб чиқарувчи ижтимоий-маданий, миллий-этник омиллар;

- Ишлаб чиқариш, бандлик ва меҳнат бозорини ташкил этишнинг эгилувчан шакллари ривожланишининг даражасини тавсифлайдиган техник-иқтисодий, ташкилий-иқтисодий омиллар;

Наманган вилоятида ҳозирги пайтда меҳнат бозорини шакллантирадиган узаро боғлиқ омиллар ва шарт-шароитларнинг бу қадар

ўзига хослиги унинг фарқли хусусиятлари ва ривожланиш тенденцияларини белгилайди, яъни:

Биринчидан, Наманган вилоятидаги меҳнат бозори бугунги кунда бир хил хусусиятга эга эмас. У кенг кўламли тузилмалардан иборат бўлиб, бундай тузилма ишчи кучи захираларининг жамланиши, ташкил этилиши ва тартибга солиниш усуллари ҳамда шакллари ишлаб чиқариш самарадорлигига, меҳнаткашларнинг аҳолига таъсир кўрсатиш характери билан фаркланадиган турли хил вазифаларни бажарадиган узаро боғлиқ икки жихат орқали ҳосил бўлади. Мана шу белгиларга кўра, меҳнат бозорини «Очик» ва «Яширин» турларига бўлиш мумкин.

Очик меҳнат бозори амалда иш қидираётган ва касбни ўзгартириш, тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтишга мухтож меҳнатга лаёқатли аҳолини, давлат ва нодавлат секторлардаги жамики буш иш ўринлари ва мансабларини, шунингдек, касб-хунар ўқув ўринларини қамраб олади.

Яширин меҳнат бозорини бандлик мақомини сақлаб турган, Бирок жуда яқин келажакда шартнома ёки шартнома асосидаги ишдан ажралиш эҳтимоли етарли даражада юқори бўлган ходимлар ҳосил қилади.

Иккинчидан, бозор иқтисодиётининг дастлабки боскичларига кўра, Наманган вилояти нафақат бошқа мамлакатлар (ривожланган мамлакатлар), балки Ўзбекистондан ҳам жиддий равишда фарқ қилади. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий йўналишларини, меҳнат бозори модели ҳамда меҳнатни ижтимоий жихатдан ташкил этиш ва бандлик тамойилларини танлашда, ҳозирги пайтда бандлик ва меҳнат бозори жараёнларини тартибга солиш соҳасида Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари тажрибасига ва бир хил усулларга таяниш одат тусига кирган. Ваҳоланки, Наманган вилояти жуда фарқли шарт-шароитларга эга бўлган турли-туман хусусиятларни уз ичига олади. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларига нисбатан

ривожланиш даражаси турличадирки, бундай тизимни бошқа ҳудудлар билан киёслаш ва таққослаш мумкин эмас.

Наманган вилоятининг меҳнат бозори устқўрмасининг энг муҳим унсурлари - ишчи кучи нархи, аҳоли жон бошига истеъмол қилиш даражаси, меҳнат бозорининг талаб ва таклиф сингари жуда муҳим жихатлари мувофиқлаштирилиши зарур.

Наманган вилоятининг меҳнат бозори табиатига хос бўлган инфратузилма қуйидагиларни бажариши лозим:

- Иш берувчи ва ходимларни узаро муносабат ўрнатишига тайёрлаш, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги фарқни мумкин қадар қисқартириш мақсадида уларнинг узаро ҳамкорликда ҳаракат қилишларига ҳар томонлама ёрдам бериш;

- Расмий меҳнат бозори доирасида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ишларни ташкил этиш учун зарур ҳисобланган ишчи кучига бўлган талаб ҳақида Тўлиқ ахборотга эга бўлиш.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётни ислох қилишда тўпланган тажриба бугунги кунда ислохотларни янада демократлаштириш заруриятини тақозо этмоқда. Ҳуқуқий-инсонпарвар жамият қуриш йўлига кирган мамлакатимиз учун инсон меҳнатини рағбатлантириш зарурияти нақадар муҳимлигини юртбошимизнинг қуйидаги фикрларидан ҳам билиш мумкин: «Зарур шарт-шароитлар яратмай, инсон манфаатларини руёбга чиқаришнинг таъсирчан воситасини вужудга келтирмай, бу манфаатларни фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида ишга солмай туриб, биз янгиланиш ва тараққиёт йўлидан аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда тинимсиз илгарилаб бора олмаймиз. Бу оддий ҳақиқатни теран англаб олишимиз лозим». Мамлакатимизда бу муҳим вазифани самарали амалга оширишнинг устувор йўналиши сифатида «мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш» тамойили асос қилиб белгиланган.

Мустақил тараққиёт йўлига кирган ва бир вақтнинг ўзида икки муҳим вазифани - маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтаётган ва шу асосда иқтисодий мустақилликни амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси учун иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши жамиятни демократлаштирилишнинг асосий вазифаси бўлиб келмоқда. Маълумки, бундай шарт-шароитларда аҳолининг аксарият қисмини ташкил этадиган, ёлланиб ишлаш асосида уз тирикчилигини ўтказадиган ишчи ва ходимларнинг иш ҳақи миқдори ва даражаси масаласи ҳам назарий ва амалий жихатдан катта аҳамият касб этади. Афсуски, объектив сабабларга кўра, мамлакатимиздаги иш ҳақи миқдори аҳолининг маълум бир қисмининг етарли даражада тукин яшай олмаслигига сабаб бўлмоқда. Айрим ҳолларда ҳатто ишчи кучининг миқдори уни оддий такрор ишлаб чиқаришини ҳам таъминлай олмаяпти. Ҳаётини тирикчилик воситалари, транспорт ва коммунал-маиший хизматлар нархларининг тухтовсиз ошиб бораётганлиги, иш ҳақи тўлашдаги кечикишлар аҳволни янада оғирлаштириб юбормоқда.

Аввалги шароитларда ҳам кашшоқликни юмшатувчи маълум тадбирлар тизими мавжуд эди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида улар аста-секин барҳам топиб бормоқда. Уларнинг ўрнини самарали равишда босувчи механизм юзага келиши иқтисодий жихатдан зарурат бўлиб қолди. Бундай механизмнинг фаол субъектлари бўлиб давлат, корхона ва фирмалар ҳамда ёлланма ходимларнинг ўзлари чиқадилар. Жамоат ташкилотларидан бўлган касаба уюшмаларининг ҳам меҳнат муносабатларини демократлаштиришда узининг салмоқли ўрни бор.

Давлат бош ислохотчи сифатида иш шароитларини яратишда катта имкониятларга эга. У турли йўналишлар бўйича иш шароитларининг инсонпарварлашуви ва шунга кўра, ёлланиб ишлайдиган ходимлар даромадларининг адолатли бўлишига таъсир эта олади. Ана шу йўналишлардан бири, меҳнат қилувчиларни ҳуқуқий жихатдан ижтимоий

химоя қилишдир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Мехнат Кодексида ҳамда кейинги йилларда қабул қилинган қатор қонунларда улар узифодасини топган. Масалан, Конституциямизнинг 37 ва 38-моддаларида адолатли меҳнат шароитлари ва муносиб ҳақ тўлаш масалалари қонун билан тасдиқланган. Нарх ошиб бориши билан даромадларни, шу жумладан, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақлари, нафақа ва пенсияларни ва турли ижтимоий туловларни индексациялаш давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисми бўлиб келмоқда. Иш ҳақи энг кам миқдорининг мунтазам ошириб борилиши, уни тирикчиликнинг минимал даражасига яқинлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда бир соатлик энг кам иш ҳақи миқдорини қонуний йўл билан белгилаб қуйиш эътиборга лойикдир.

Бугунги кунда вилоятда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ишсизликни камайтириш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Яъни, вилоятдаги мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш билан бир қаторда белгиланган дастурлар асосида янги иш ўринлари яратиш, бу орқали вилоят меҳнат бозоридаги мувозанатни таъминлашга ҳаракат қилинмоқда. Янги иш ўринларини яратишда вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий хусусият ва имкониятлари ва давлат томонидан ишлаб чиқилган аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бандлигини таъминлашга доир турли дастурлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги манбаларга асосий эътибор қаратилган:

- уй меҳнати ва касаначилик, шунингдек, юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш. Янги иш ўринлари яратишда бу манбанинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, аҳолининг асосий қисми қишлоқларда яшайдиган ва саноат марказлари бир ерга тўпланиб қолган Наманган вилоятида бу усул орқали энг чекка ҳудудлардаги

меҳнат ресурсларидан ҳам энг кам маблағ ва вақт сарфлаш ҳисобига самарали фойдаланиш имконияти туғилади.

-вилоятдаги мавжуд корхоналарнинг фаолиятини кенгайтириш, қайта қуrollантириш, иш сменасини ошириш, шунингдек, янги корхоналар ташкил этиш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этиш;

-Оилавий бизнесни ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринларини ташкил этиш.

## **2.2. Наманган вилоятида ишсизлик муаммолари, унинг ўзига хос кўринишлари**

2005-2010 йилларда Наманган вилояти иқтисодиётида банд бўлганлар таркибини таҳлил қилиш асосида аҳоли сонининг ўсиши билан иқтисодиёт тармоқларидаги бандлар сонининг ўсиши ўртасида номувофиқликни, яъни, таҳлил қилинаётган йилларда аҳоли сони ўзгаргани ҳолда, иқтисодиёт тармоқлари таркибидаги бандлар сонида сезиларли ўзгаришлар юз бермаганлигини кузатиш мумкин. Бундай салбий ҳолат юзага келишининг асосий сабаби, иқтисодиёт тармоқларидаги йирик корхоналарда янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича амалий тадбирларнинг бажарилмаганлигидир.

Бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги даврда вилоятда янги иш жойларини ташкил этиш ва аҳоли бандлиги даражасини оширишнинг асосий йўлларида бири, кичик ва хусусий корхоналар ташкил этишни қўпайтириш орқали кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобланади. Чунки, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришнинг дастлабки талабини бозор ҳўжалиги шартлари асосида шакллантириш ҳисобланади.

Бугунги кунда республикамизда бозор муносабатларига ўтишнинг муҳим тадбирлари ҳисобланувчи мулкни давлат тасарруфидан чиқариш,

хусусийлаштириш ва хусусий корхоналар тузиш учун барча ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилиб, бу борада салмоқли натижалар қўлга киритилди. Шу ўринда Наманган вилоятида ҳам кичик бизнес тузилмалари орқали иш билан таъминлашнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Ўзининг ҳар томонлама эътироф этилган, кўплаб ахамиятли ижобий жихатлари билан бир қаторда, кичик бизнес корхоналарида бандлик нуқтаи назаридан айрим чекланишлар мавжуд, яъни:

- кичик бизнес корхоналари фаолият миқёси жихатидан унча катта бўлмаганлиги сабабли, бу корхоналарда банд бўлганлар сони кўп бўлмайди;

- ушбу корхоналарда йирик корхоналарга нисбатан ишчиларнинг сони билан улар келтирувчи самара ўртасидаги мувофиқлик яққол намоён бўлади, бошқарувчи мутахассисларнинг ишчилар меҳнат жараёни устидан бевосита назорат қилиш имконияти мавжуд бўлади. Шунга кўра, мазкур корхоналарда меҳнат интизоми ва иш сифатига бўлган талаб юқори бўлиб, бунинг натижасида ходимларнинг қўнимсизлик даражаси ҳам юқори бўлади;

- кичик бизнес корхоналари фаолиятига молиявий-иқтисодий қийинчиликларнинг таъсири сезиларли даражада бўлганлиги туфайли кўплаб корхоналарда ишнинг тўхтаб қолиши ёки умуман фаолият кўрсатмаслик ҳоллари учраб турадики, бу ҳол уларда банд бўлган ходимларнинг яширин ишсизлигини келтириб чиқаради ва хоказо.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, турли тармоқлардаги кичик корхоналар сони ва унга мувофиқ равишда ишловчилар сонининг ўзгариши иқтисодиётдаги рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан бир қаторда, соф статистик ўзгаришлар таъсири билан ҳам изоҳланади. Яъни, мамлакатдаги статистик меъёрларга кўра кичик корхоналар узларининг миқдорий ўлчамлари уларда банд бўлган ходимлар сони жихатидан ўзгартириб турилади. Жумладан, Ўзбекистонда кичик корхоналарнинг

миқдорий чегараларини белгилаб берувчи 5 та асосий меъёрий хужжатлар қабул қилинган. Улар қуйидагилар:

- «Ўзбекистон Республикасида кичик корхоналар тўғрисидаги Низом» (Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 февралдаги 85-сонли қарорига 2-сонли илова);

- 1995 йилнинг 21 декабрида қабул қилинган «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги қонун;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармони;

- 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун.

- 2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» йили деб номланиши.

Мазкур меъёрий хужжатларда белгилаб берилган мезонларнинг тахлили шуни кўрсатадики, корхоналарнинг ишловчилар сонига кўра ўлчамлари асосан қисқариш томонга бормокда. Агар кичик корхона миқдорий чегарасининг биринчи бор ўзгаришида (1995 йил 21 декабрдаги қонунга биноан) фан ва илмий хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишловчилар сони 10 баравар, саноат ва қурилишда - 4, чакана савдо - 3, ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқлари - 2,5, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларидаги ишловчилар сони 2 бараварга қисқарган бўлса, кейинги ўзгариш (УзР Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги Фармонида биноан) натижасида бу чегаралар қурилишда 2,5, саноат, улгуржи савдо, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларида 1,25 баравар қисқариб, фан ва илмий хизмат кўрсатиш, ноишлаб чиқариш соҳаси бошқа тармоқларининг чегараси ўзгармай қолган. Ва аксинча, чакана савдо йўналишидаги кичик корхоналардаги ходимлар сони 2 баравар ўсиши рўй

берган. Демак, Наманган вилоятидаги кичик корхоналар сонининг йиллар давомида ўзгаришида ҳам бу омилнинг таъсири ахамиятли ҳисобланади.

Вилоят кичик корхоналари орасидаги қисқаришнинг асосий салмоғи савдо соҳасига тўғри келиб, бу соҳа бўйича қисқарган кичик корхоналар сони 300 тани ташкил этади. Бу соҳада банд бўлганлар сони эса 1997 йилга нисбатан 7601 кишига камайиб кетган. Бундай ҳолатнинг вужудга келишида савдо соҳасидаги ходимларнинг бошқа соҳалардаги йирик ва кичик корхоналарга ўтиб кетишлари ҳам салмоқли ўрин тутди.

Шунга қарамасдан, ҳозирги вақтда вилоятдаги кичик корхоналар ўртасида савдо корхоналари салмоқли ўрин эгаллаб, уларнинг сони 2693 тани, яъни, жами фаолият кўрсатаётган кичик корхоналарнинг 12,5 фоизини ташкил этади.

Тахлил қилинаётган йилларда вилоятда қурилиш соҳасида кичик корхоналарнинг сони 217 тага кўпайди. Аммо бу соҳада ҳам бошқа соҳалар каби ишловчилар сони 11,7 фоизга камайиб кетган. Бу эса, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, қурилиш соҳасидаги кичик корхоналар чегарасининг 2,5 барабарга қисқарганлиги билан изохланади.

Шу билан бир қаторда, корхоналар кўламини белгиловчи чегаралардаги ўзгаришлардан ташқари, таркибий ўзгаришлар ҳам кичик корхоналар динамикасига таъсир кўрсатишини назардан қочирмаслик зарур. Чунки, йирик корхоналардан фарқли уларок, кичик бизнес корхоналари ҳақиқий бозор ва кескин рақобат шароитида амал қиладилар. Агар давлат йирик корхоналарнинг аксарият қисмини ижтимоий-стратегик ахамияти ва бозордаги ҳиссасидаи келиб чиққан ҳолда турли йўллар билан қўллаб-қувватлаб турса, кичик корхоналар одатда бундай бевосита «химоя»дан йироқ бўлиб, улар иқтисодиётдаги ўзгаришлар ва турли таъсирларни дарҳол сезувчи «барометр» вазифасини ҳам бажарадилар. Шунга кўра, кичик бизнес корхоналари фаолияти учун шарт-шароит, муҳитнинг ноқулайлиги, турли

тўсиқларнинг пайдо бўлиши, молиявий қийинчиликлар уз таъсирини ўтказиб, уларнинг фаолиятларини тўхтатишларига олиб келиши ва оқибатда, жамиятга маълум даражада ижтимоий ва иқтисодий зарар келтириши мумкин.

Наманган вилоятида аҳоли бандлиги муаммоларини ўрганиш иқтисодиётдаги асосий соҳалардан бири ҳисобланувчи қишлоқ хўжалиги тармоғи ривожланишининг ҳозирги ҳолатини кўриб чиқишни тақозо этади. Чунки, қишлоқ хўжалигидаги аҳоли бандлиги муаммоларини ўрганиш, бандлик даражасини оширишнинг имкониятларини очиб бериш ва улардан оқилона фойдаланиш пировардида вилоятдаги умумий бандликнинг таъминланишига олиб келади.

Бу эса вилоят қишлоқ хўжалиги соҳасига бозор муносабатлари ўз таъсирини кўрсатаётганлигини қуйидаги иқтисодий жараёнлар орқали намоён этади:

- кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида рентабелликнинг пасайганлиги ва натижада бу соҳада банд бўлганлар моддий манфаатдорлигининг пасайиши уларнинг нисбатан фойдали бўлган бошқа соҳаларга ўтишларига олиб келди;

- қишлоқ хўжалигидаги мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларининг ўзгариши натижасида рентабеллиги паст бўлган корхоналар тугатилиб, бошқа тузилмалар таркибига киритиш, янги самарали тузилмаларга айлантириш каби қайта тузиш ишлари олиб борилмокда. Бунинг натижасида нисбатан ортиқча ишчиларнинг ишдан бушатилиши ҳоллари юз бермокда;

- қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг янги ва самарали шакллари.

- дехқон-фермер ва ширкат хўжаликларининг кенг миқёсда тузилиши иш кучи бандлигига соф иқтисодий нуқтаи назардан ёндашувга омил бўлиб, натижада, иқтисодий жихатдан узини

оқламайдиган бандликка бархам берилиши тармоқдаги ишловчилар сонининг қисқаришига олиб келди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, баъзи туманлардаги корхоналар сони қисқармаган ёки аксинча, кўпайган бўлишига қарамай, улардаги ишловчилар сони бир хилда қисқариб бормокда.

Вилоят қишлоқ хўжалигидаги бандлик ҳолатини ўрганиш ва бу ҳолатни ривожланган мамлакатларнинг қишлоқ, хўжалигидаги бандлик бўйича тажрибаси билан таққослаш орқали қуйидаги хулосаларни келтириб чиқариш мумкин:

- бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг тажрибасига кўра, бу мамлакатлар қишлоқ хўжалигида аҳолининг 6-20 фоизигина банд эканлигини ҳисобга олсак, вилоят қишлоқ хўжалигида ҳали ҳам маълум миқдорда ортиқча бандлар мавжуд;

- норентабел бўлган қишлоқ хўжалик корхоналарининг тугатилиши ва уларнинг жамоа, фермер, ижара ва шахсий хўжаликларга айлантирилишининг давом этиши натижасида қишлоқ хўжалигидаги ортиқча бандлар ишсизлар сонини кескин ошириш хавфи мавжуд.

Демак, қишлоқ хўжалик корхоналарининг давлат тасарруфидан чиқарилиши, қишлоқ хўжалиги аҳолиятидаги ерларни аҳолининг лаёқатли катламига ишлаб чиқариш мақсадида берилиши, ҳақиқий мулкдорлар табақасининг шакллантирилиши натижасида бу соҳадаги бандлик даражасига кўрсатилиши мумкин бўлган таъсирни чуқур таҳлил этишни тақозо этади.

Наманган вилояти шароитида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ижтимоий меҳнатда аҳолининг меҳнатда бандлик даражасини ортиши билан боғлиқдир. Бу ўринда меҳнат ресурсларининг иқтисодий таркиби, мутахассис кадрлар тайёрлаш, бозор иқтисодиёти муносабатларини (кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик, ижтимоий ва бозор инфратузилмалари, хизмат кўрсатиш соҳалари) жадал шакллантириш, кичик миграцион

жараёнларни активлаштириш муҳим ўрин тутмоқда. Бундай ҳолат биринчи навбатда бозор иқтисодиёти шароитида турли мулкчилик шакллари­нинг вужудга келаётганлиги, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг су­ст­ла­шаётганлиги, саноат меҳнатига асосланган иш жойларининг камлиги, меҳнат ресурсларини иш жойларига нисбатан тез ўсаётганлиги, кадрлар ма­ла­ка­си пастлиги ҳамда рақобатбардошсизлиги билан ифодаланмоқда. Иккинчи тарафдан эса, Наманган ша­ҳар меҳнатга яроқли аҳолининг бандлиги мавсумийлиги билан боғлиқдир.

Кейинги йилларда, Наманган вилоятида бозор иқтисодиёти муносабати билан меҳнат ресурслари кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланиши, қайта ишловчи кичик корхоналар ва айрим енгил маҳаллий саноат корхоналарини, чет эл инвесторлари билан бирга қўти­лаётган қўшма корхоналарни, ижтимоий ва бозор инфратузилмаларни шакллантиришда банд бўлиб, ортиқча ишчи кучларини бир мунча банд қилган бўлса-да, меҳнат ресурсларидан (айниқса, аёллар меҳнатидан) умумий фойдаланиш ижобий ҳал қилаётгани йўқ. Лекин, шуни ҳам айтиш керакки, юқоридагилардан ҳозирда ишсизлар кўп деб ҳам бўлмайди, чунки ша­ҳар аҳолисининг катта қисми маҳаллий хунармандчилик, чорвачилик ва дехқончилик билан шуғулланиб, муайян даромад манбаига эга. Аиниқса, Наманган вилояти Фарғона водийсини бошқа шаҳарларига нисбатан хунармандчилик ва чорвачилик ривожланганлиги билан ажралиб туради.


Наманган вилоятида 2010 йили аҳолининг иш билан бандлик таркиби қуйидагича: меҳнатда бандлик 805,8 минг кишини ташкил қилади (*қишлоқ хўжалиги корхоналари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи кичик корхона, микрофирмалар, яқка тартибдаги, фермер ва дехқон хўжаликларида ишлаётганлардан ташқари*). Меҳнатда бандларни тармоқ таркиби, умумий иш кучидан фоиз ҳисобида, жумладан: халқ таълимида 40

%, саноатда 13,5 %; транспорт ва алоқа сохаларида 4,4 %; қурилишда 2,1 %; ва бошқа сохаларда 36,0 % ни ташкил қилди (2.2.1-график).

2.2.1-график

**Наманган вилоятида 2010 йил давомида иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият кўрсатган ишчи ва хизматчилар тўғрисида**

### МАЪЛУМОТ



*Манба: Наманган вилояти Сатистика бош бошқармаси маълумотлари*

*Изоҳ: қишлоқ хўжалиги корхоналари, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи кичик корхона, микрофирмалар, яқка тартибдаги, фермер ва дехқон хўжаликларида ишлаётганлардан ташқари*

- 1 – Саноат
- 2 – Транспорт
- 3 – Уй-жой, коммунал хўжалиги
- 4 – Алоқа
- 5 – қурилиш
- 6 – Савдо
- 7 – Соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот
- 8 – Халқ таълими
- 9 – Бошқарув идоралари
- 10 – Бошқа сохалар.

Агарда, Наманган вилоятида меҳнатга яроқли жами ишчи кучи 100 % деб олсак, ҳозирда 76,2 %и доимий иш жойига эга.

Бу эса вилоятдаги меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда янада самаралироқ тадбир ва имкониятлар қидириб топиш ҳамда уларни зудлик билан ҳаётга тадбиқ этиш зарурлигини кўрсатади.

### **2.3. Наманган вилоятида бандлик ва ишсизликнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнларга таъсири**

Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсатнинг узагини «...бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган икки вазифа: бир томондан ҳаётнинг ҳамма соҳаларини муваффақиятли ислох қилиш ва барқарор ривожлантириш; иккинчи томондан, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш<sup>10</sup>» ташкил этади. Республикамизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминланиши - Ўзбекистоннинг уз янгиланиш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинган етакчи тамойиллардан бири - кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширилаётганлигидир.

Ижтимоий сиёсат кенг мазмунга эга бўлиб, қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- даромадлар ва нарх сиёсати;
- кадрлар тайёрлаш ва аҳолини иш билан таъминлаш ёки бандлик сиёсати;
- аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш сиёсати.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ижтимоий сиёсат амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бошиданоқ аҳоли даромадидаги ва истеъмолидаги фарқлар кескинлашувининг олдини олишга, иқтисодиётни барқарорлашиб, ривожлана боргани сари мавжуд фарқларни

---

<sup>10</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1999. 651-бет.

қисқартириб боришга қаратилди. Аҳолини ижтимоий химоя қилишда давлатнинг даромадларни тақсимлаш сиёсати алоҳида аҳамиятга эга.

Аҳоли даромади асосан, ойлик иш хақи, ижтимоий трансфертлар, мулк даромади, тадбиркорлик фаолияти туфайли тушадиган тушумлар каби манбалардан шаклланади. Шу боис даромадлар камайганда аҳолининг турмуш даражаси пасайиб, ҳаёт кечириши қийинлашади. Даромадлар ошганда эса инфляция унинг кучини камайтиради ва натижада даромадларнинг сарфланиши тезлашади. Шу ўринда атоқли инглиз иқтисодчиси Чарльз Карлтоннинг ушбу ибораси ўринлидир: «Даромад пайпоққа ўхшайди, кичкина бўлса, юришда кийналамиз, катта бўлса, тушиб кетаверади, тушиб кетаверади»<sup>11</sup>.

Ижтимоий сиёсат аҳолини турли хил иқтисодий ва ижтимоий «силкинишлар»дан (иш ўрнини йўқотган вақтларда, даромадларнинг кескин қисқариши даврида, вақтинча ишга ярамай қолиш ва бошқа ходисалар пайтида) химоя қилишга қаратилган бўлиб, бундай сиёсатнинг аҳамияти бозор шароитида нисбатда муҳим.

Статистик маълумотларга кўра, аҳоли даромадларининг 60 фоизи иш хақи ҳиссасига тўғри келади. Демак, аҳолини иш билан таъминлаш ёки меҳнатда бандлиги масаласи ижтимоий сиёсатнинг узақ йўналишларидан бири ҳисобланади. Меҳнатда бандликнинг ўсиши аҳоли турмуш даражаси ва даромадларининг ошишини таъминлайди.

### **Ижтимоий тотувлик, ижтимоий талофатлар ва оқибатлар<sup>12</sup>**

| <b>Ижтимоий тотувлик омиллари</b> | <b>Ижтимоий талофатлар тури</b> | <b>Ижтимоий низолар ва оқибатлар тури</b> |
|-----------------------------------|---------------------------------|-------------------------------------------|
| Аҳоли даромадлари                 | Камбағаллик ва унинг            | Бефарқлик ва сусткашликдан                |

<sup>11</sup>Абдуллаева М. Утиш даври сабоқлари. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2000, 4-сон, 73-бет.

<sup>12</sup>Инсон тараққиёти туғрисида ҳисобот. Ўзбекистон. Тошкент. 1997.

|                                                                                                                                                                                  |                                                                                                                              |                                                                                                                                                                                                                                    |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| даражасида сезиларли фарк йўқлиги                                                                                                                                                | ёйилиши камрови                                                                                                              | тортиб то низолар, иш ташлашлар ва тартибсизлик-ларгача. Мамлакатда инсон тараққиётининг секинлашуви                                                                                                                               |
| Барча этник гуруҳлар-нинг тенг ҳуқуқлари                                                                                                                                         | Миллий озчилик вакиллари ҳуқуқлари-нинг камситилиши                                                                          | Этник низолар, кочоқлар муаммоси. «Миялар оқиб кетиши». Ижтимоий тарақ-киёт секинлашуви, национал-шовинизм хатари                                                                                                                  |
| Виждон эркинлиги                                                                                                                                                                 | Диндорлар ҳуқуқлари-нинг умуман ёки алоҳида конфессиялар бўйича камситилиши                                                  | Фуқаролар урушигача етиб боровчи диний низолар. кочоқлар муаммоси. Ижти-моий тараққиёт секинлашуви                                                                                                                                 |
| Ижтимоий тотувлик асосидаги партиявий плюрализм                                                                                                                                  | Бир партия диктатураси                                                                                                       | Ички сиёсий низолар. Рози бўлмаганларни қонундан ташқари усуллар, эҳтимол куч ишлатиш ёрдамида бостириш. Тоталитаризм хатари                                                                                                       |
| Эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари                                                                                                                                            | Аёллар ҳуқуқларини камситиш                                                                                                  | Ички ижтимоий ва оилавий низолар. Бола туғилишининг юксак даражаси. Инсон тараққиёти ва жамият ривожининг секинлашуви. Она ва бола соғлигининг заифлиги. Соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги бюджетдан ажратилувчи қўшимча сармоя |
| Авлодлар орасидаги келишув                                                                                                                                                       | қайсидир авлод ҳуқуқларини камситиш: катталар, ёшлар, бола-лар                                                               | Ички ижтимоий низолар. Инсон тараққиётининг секинлашуви                                                                                                                                                                            |
| Аралаш иқтисодга муваффақиятли ўтиш. Аҳолининг иш билан бандлигини таъмин-лаш, даромадлар олиш, иқтисодий раванг учун шароит яратиш                                              | Очик ёки яшириш ишсизлик, даромад-ларнинг пасайиши, камбағаллар кўпа-йиши*                                                   | Ички ижтимоий низолар, эмиграция, инсоний такомил ва ижтимоий тараққиёт секинлашуви*                                                                                                                                               |
| Жамиятда катламлар сонининг ошиши, ижтимоий погоналар буйлаб тезкор силжиш. Даромадлар бўйича катламлашувнинг про-фессинал-махорат бел-гисига биноан старатификация муво-фиклиги | Ижтимоий катламлар узра силжиш қийин-лиги. Махоратиға қараб катламлашувнинг даро-мадлар бўйича стратификацияга номувофиклиги | Мамлакатда ижтимоий тараққиётнинг секинлашуви. Ички зиддиятларнинг кескинлашуви                                                                                                                                                    |
| Минтақалар икти-содий ривожиди сезиларли фаркланиш йўқлиги                                                                                                                       | Бой ва камбағал минтақаларга тақсим-ланишнинг юзага чиқиши                                                                   | Ички таранглик ортиши, камбағал минтақалардан бойларига ички миграция кучайиши                                                                                                                                                     |
| Шаҳар ва қишлоқ орасида сезиларли фарк йўқлиги                                                                                                                                   | Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси мақомида нотенглик кучайиши                                                                          | Ички таранглик кучайиши, қишлоқдан шаҳарга миграция кучайиши, қишлоқда                                                                                                                                                             |

|                                                      |                                                                                                  |                                                                                                                                                                  |
|------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                                      |                                                                                                  | камбағалликнинг ёйилиши, инсон тараққиёти ва жамият ривожининг секинлашуви                                                                                       |
| Экологик офатларнинг йўқлиги ва уларнинг олдини олиш | Экологик офатлар, экологик талофат минтақасига тушган аҳоли сезиларли гурухларининг пайдо бўлиши | Ички ижтимоий таранглик кучайиши, экологик талофат районларидан хатарсиз минтақаларга миграция кучайиши, умр даво-мийлигининг пасайиши, болалар ўлимининг ортиши |

Амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг иқтисодиётни эркинлаштириш боскичида аҳолининг меҳнатда бандлигини ўстириш ва меҳнат бозорини тартибга солиш борасидаги давлат сиёсати қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олади:

- иқтисодиётни ривожлантириш негизида янги иш ўринларини яратиш.
- кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш.
- меҳнат фаоллигини, оилавий пудрат, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш негизида аҳолининг ўз-ўзини иш билан банд қилиш даражасини ўстириш.
- аҳолининг меҳнатда бандиги ва меҳнат бозори таркибини такомиллаштириш. Бунинг учун зарар кўриб ишлаётган ва келажаги йўқ корхоналарни тугатиш ёки уларнинг ихтисосини ўзгартириш, қолганларини эса техникавий жihatдан қайта жихозлаш, модернизациялаш, қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучларини бушатиш ва қайта тақсимлаш керак бўлади. Масалага сиёсий жihatдан ёндошадиган бўлсак, «қишлоқда яшовчиларнинг кўплари, айниқса ёшлар, ишга жойлашиш, уз хаётларини йўлга қуйиш имконига эга эмаслар. Бу эса қишлоқда кескин ижтимоий муаммоларни келтириб чиқармокда. Ижтимоий-сиёсий беқарорлик хавфининг манбаига айланмокда»<sup>13</sup>.

<sup>13</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1999. 579-бет.

- ёшларнинг меҳнат бозоридаги рақобатга бардошлилигини ўстириш.
- ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишларини ташкил этишни кенгайтириш ва уларга ишсизлар ва меҳнатда банд бўлмаган аҳолини жалб этиш.
- ишсизларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга ишсизлик бўйича нафақалар тўлаш, уларни қайта тайёрлаш ҳамда қайта уқитишни ташкил этиш.

Олиб борилаётган бундай сиёсат ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга асос бўлади. Чунки, аҳолининг иқтисодий таъминланиши, яъни даромадга эгалик (меҳнатда банд бўлиши) ижтимоий-сиёсий барқарорликни кафолатлайди.

Агар халкимиз ёдидан ҳеч қачон кўтарилмайдиган, яъни экстремистларнинг ижтимоий-сиёсий барқарорликни издан чиқариш бўйича олиб борган ишларини таҳлил қиладиган бўлсак, шахсни топиш (яширин боскич), топилган шахсни иқтисодий таъминлаш (моддий, иқтисодий боскич), унинг онгини эгаллаш (сиёсий, ғоявий боскич), керакли лавозимларда тегишли кишиларининг бўлишини таъминлаш (узвий майдон ҳосил қилиш боскичи), қурол кучи ёки бошқа усуллар билан ижтимоий-сиёсий барқарорликни издан чиқаришга ўриниш каби боскичларни қуришимиз мумкин. Кўриниб турибдики, экстремистлар инсонни иқтисодий қарам қилиш орқали сиёсий, ғоявий қарам бўлишига олиб борганлар. Шунинг хисобга олиб, аҳолининг меҳнатда бандлигига фақатгина иқтисодий категория сифатида ёндошибгина қолмай, балки сиёсий категория сифатида «мафкуравий бандлиги»ни ҳам таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Мафкуравий бандликни аҳолининг барча катламлари, айниқса, ёшлар ўртасида амалга ошириш зарур. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, «... Бизнинг бегам, лоқайдлигимиз, ишимиздаги камчиликлар оқибатида ёшлар жиноий гуруҳлар, экстремистлар таъсирига, диний мўтаассиблар

таъсирига тушиб қолган. Бу аввало сиёсий-ижтимоий соҳадаги муайян нуксонлар...ни кўрсатади».<sup>14</sup>

Чунки, расмий ва яширин ишсиз аҳоли катламининг, айниқса ёшларнинг нима билан машғул эканликлари, таъбир жоиз бўлса қандай уй-хаёллар «огушида»лиги нафақат иқтисодий ва тарбиявий, балки сиёсий жихатдан мамлакат хавфсизлиги нуқтаи назаридан ҳам катта аҳамиятга эга. Шунинг учун бу йўналишда сўровлар ва тадқиқотлар олиб бориш зарурки, бундай тадқиқотлар асосан турли катламдаги аҳолининг онги ва тафаккурини банд этган қарашлар, кадриятлар, тушунчаларни, уларнинг ижтимоий кайфияти, ижтимоий-сиёсий ислохотларга, жамиятдаги ўзгаришларга қанчалик онгли муносабатда бўлаётганлигини ўрганади.

Шу мақсадда Наманган вилояти туман ва шаҳарларидаги мактаб ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари, вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларига катновчи фуқаролар ўртасида социологик тадқиқот ўтказилди<sup>15</sup>.

Тадқиқот давомида респондентларнинг уз эҳтиёжларига пул керак бўлиб қолса (етмаса), каердан ёки кимдан олиши суралганда қуйидаги маълумотлар олинди:

*Респондентларнинг «Уз эҳтиёжларингизга пул керак бўлиб қолса (етмаса), каердан ёки кимдан оласиз?», - деган савол бўйича тақсимланиши*

| Респондентларнинг тоифалари | Ота-онамдан сураб оламан | Ака-опаларимдан сураб оламан | қариндошларимдан оламан | Ота-онам ёки қариндошларимнинг тадбиркорлик ишларига қаршиб топаман |
|-----------------------------|--------------------------|------------------------------|-------------------------|---------------------------------------------------------------------|
|-----------------------------|--------------------------|------------------------------|-------------------------|---------------------------------------------------------------------|

<sup>14</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000, 19-20-бетлар.

<sup>15</sup> Тадқиқот муаллиф томонидан бевосита ФЖУИ билна биргаликда 2007 йил март-апрел ойларида ўтказилган.

|                                                                |              |        |        |              |
|----------------------------------------------------------------|--------------|--------|--------|--------------|
| Жами респондентларга нисбатан<br>фоиз ҳисобида:                |              |        |        |              |
| Мактаб ўқувчилари,шундан:<br>-қишлоқ жойлари<br>-шаҳар жойлари | 88,1<br>84,5 | 0<br>0 | 0<br>0 | 11,9<br>15,5 |
| Олий ўқув юрти талабалари                                      | 53,8         | 7,7    | 2,2    | 36,3         |

Маълумотлардан кўриниб турибдики, сўровда қатнашган ёшларнинг аксарияти уз эҳтиёжлари учун маблағни ота-оналаридан олишади. Табиийки, ота-она маблағ нима учун зарурлигини сураб-суриштирадилар ва лозим топсаларгина берадилар. Акс ҳолда зарурат учун маблағ етишмаслиги ёшларни кийнай бошлайди. Шу ўринда савол туғилади: «Эҳтиёж учун етишмаётган маблағ каердан олинади?». Шу мазмундаги савол билан респондентларга мурожаат этилди:

*Респондентларнинг «Пулингиз уз (оилангиз) эҳтиёжларингиз учун етмаяпти. Шу пайт Сизга четдан пул таклиф этишди. қандай йўл тўтасиз?,-деган савол бўйича тақсимланиши*

| Респондентларнинг тоифалари                                    | Ким, нимага бераётганлигини сурамай оламан | Сурайман, лекин ким, нимага бераётганлигидан катъий назар оламан | Сурайман, таклиф менга ёкса оламан | Олмайман     |
|----------------------------------------------------------------|--------------------------------------------|------------------------------------------------------------------|------------------------------------|--------------|
| Жами респондентларга нисбатан<br>фоиз ҳисобида:                |                                            |                                                                  |                                    |              |
| Мактаб ўқувчилари,шундан:<br>-қишлоқ жойлари<br>-шаҳар жойлари | 2,4<br>5,2                                 | 0<br>0                                                           | 21,4<br>43,1                       | 76,2<br>51,7 |
| Олий ўқув юрти талабалари                                      | 3,3                                        | 1,1                                                              | 67,0                               | 28,6         |
| «Марказ» <sup>16</sup> га қатновчилар                          | 0                                          | 2,0                                                              | 52,0                               | 46,0         |

Маълумотлар шундан далолат бермоқдаки, аксарият респондентларга муайян маблағ эвазига четдан қилинган таклиф ёксагина, улар бу маблағни оладилар. Энг ачинарлиси, ёшлар ўртасида оз бўлсада, четдан таклиф этилган маблағни ким, нимага бераётганини сурамай олувчилар ҳам мавжуд. Хусусан, сўровда қатнашган мактаб ўқувчиларидан 2,4 (шаҳар жойларда 5,2) фоизи, олий ўқув юрти талабаларининг 3,3 фоизи

<sup>16</sup> «Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш Марказ»лари назарда тутилган..

четдан таклиф этилган маблағни ким, нимага бераётганлигидан катъий назар олишларини билдирдилар. Бу ҳолат оз бўлса-да, жамиятда ёт қарашлар домига тушиб қолувчи ёшларнинг бўлишидан дарак беради ва фанга маълум бўлган «кичик сон эффекти» қонунияти бўйича бу кичик сон ижтимоий-сиёсий барқарорликка катта хавф туғдириши мумкин.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг қуйидаги фикрлари ўринлидир: «ёшларнинг айрим қисми ўқишга, юксак касб махоратини эгаллашга интилиш ўрнига енгил-елпи ҳаётни излашга, бозорда савдо-сотиқ қилиб, мумай даромад орқасидан қувиб, бозор муносабатларининг ибтидоий йўлларида фойдаланиб, мол-дунё орттиришга интилаётганликлари тасодифий эмас. ...бу тарбиядаги нуқсонлар ва атроф муҳит таъсиридан бошқа нарса эмас»<sup>17</sup>.

Бироқ, четдан таклиф этилган маблағни «сурайман, таклиф менга ёкса, оламан» (мактаб ўқувчиларининг 21,4 ва 43,1 фоизи, олий ўқув юрти талабаларининг 67,0 ҳамда «Марказ»га қатновчиларнинг 52,0 фоизи) ва «олмайман», деб жавоб берган респондентлар (мактаб ўқувчиларининг 76,2 ва 51,7 фоизи, олий ўқув юрти талабаларининг 28,6 ҳамда «Марказ»га қатновчиларнинг 46,0 фоизи) бу маблағлар эвазига жиноий ишлар амалга оширилиши суралиши мумкинлигини англаб етадилар. Чунки, «Ўзбекистон советлардан кейинги мамлакатлар орасида биринчилардан бўлиб жамиятда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг беқарорлашуви, бузгунчиликдан иборат митингбозлик ҳамда сиёсий, миллий ва диний экстремизм қандай дахшатли

---

<sup>17</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, Ўзбекистон, 1999. 565-бет.

оқибатларга олиб келиши мумкинлигига узининг аччик тажрибасида ишонч хосил қилди ва тушуниб етди»<sup>18</sup>.

Вахоланки, Президентимиз таъкидлаганларидек, «ижтимоий-сиёсий барқарорлик - сиёсий тизим институтларнинг самарали ишлашини таъминлайдиган, қонунлар ишлаши ва жамоат тартиби, хотиржамлик ва хавфсизлик сақланиши учун негиз яратувчи пойдевор, ...жамиятни янгилаш ва ислох қилишнинг, барқарор ривожланиш ҳамда тараққиётнинг кафолатидир»<sup>19</sup>.

### **III-БОБ. Наманган вилоятида бандлик ва ишсизлик муаммоларини бартараф этиш истиқболлари**

#### **3.1. Наманган вилоятида ишсизлик муаммоларини бартараф этишда эътибор берилиши лозим бўлган долзарб масалалар**

Аҳолини бандлигини таъминлаш ва ишсизликнинг олдини олиш бугунги кунда ҳар бир давлатнинг муҳим сиёсий ва иқтисодий аҳамият касб этган вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал этиш мақсадида ҳар бир ҳудуд (давлат) нинг уз ижтимоий, иқтисодий ва табиий шароитлари, имкониятларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат ресурслари тинимсиз ўрганилиб ва таҳлил этиб борилади. Ушбу таҳлиллар натижасига асосланган ҳолда минтақа меҳнат ресурсларининг алоҳида аҳамият касб этадиган қирралари топилади ва ушбу ўзига хос хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда аҳолини самарали меҳнатда банд қилиш учун янги янги манбалар ва имкониятлар излаб топилади. Янги иш ўринлари яратувчи ва бандликни таъминловчи бу манбалар ва имкониятлар, шунингдек мавжуд

---

<sup>18</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бусағасида:хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, Ўзбекистон, 1999, 651-652-бетлар.

<sup>19</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бусағасида:хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, Ўзбекистон, 1999, 655-бет.

мехнат ресурслари ва келажакда ҳар бир муайян давр учун қўшимча бўлиши қўтилаётган ишчи кучига асосланган ҳолда ҳудуднинг Бандлик дастурлари ишлаб чиқилади.

Ушбу таҳлил ва тадқиқотларни олиб боришда математик усуллардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, тадқиқот жараёнида математик усуллардан фойдаланиш олинаятган натижага асосан чиқарилаётган хулосаларнинг реаллик даражасини кучайтиради. Бу эса ўзидан ушбу хулосалар асосида ишлаб чиқилган дастурларни ҳаётга тадбиқ этилганда энг юқори эҳтимоллик билан мақсадга эришишни таъминлайди. Хусусан, ҳудуднинг бандлик дастурларини ишлаб чиқиш жараёнида ҳам ҳар бир давр учун фойдаланиладиган ҳудуднинг умумий аҳоли сони, мехнат ресурслари сони каби кўрсаткичлар математик таҳлиллар ёрдамида аниқланади. Аниқланган кўрсаткичларнинг қай даражада ҳақиқатга яқин бўлиши эса муайян давр учун ишлаб чиқилган дастўрнинг шу даражада самарали бўлишини таъминлайди.

Жумладан, Наманган вилоятида мехнат ресурсларига ҳос бўлган муҳим хусусият бу аҳоли сонининг тез ўсиб бориши ҳисобига ишчи кучи тақлифининг юқорилигидир. Аҳоли ўсиш суръатлари омилининг истиқболдаги таъсири қай даражада бўлиши таҳлил қилинар экан, унинг келажакдаги муайян даврларда қандай кўрсаткичда бўлишини аниқлаш муҳимдир. Мехнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ишсизлик муаммоларини олдини олишда ана шундай муҳим кўрсаткичлардан бири бўлган муайян бир ҳудуднинг аҳоли сонини келажакдаги муайян даврларда қанча бўлишини энг кам ҳатолик билан башорат қилишда қуйидаги математик боғланишдан фойдаланиш ўринли бўлади.

Яъни,

$$Y_x = a e^{k(x-1991)}$$

Бу ерда:  $a$  ва  $k$  – ўзгармас коэффициентлар

$x$  – давр (йил)

Бу функциянинг ечими қуйидагича:

$$Y_x = a e^{k(x-1991)}$$

$$\ln y = \ln a + k(x - 1991)$$

$$\varphi(a, k) = \sum_{i=1}^n (\ln y_i - (\ln a + k(x_i - 1991)))^2$$

$$\frac{\partial \varphi}{\partial a} = \sum_{i=1}^n (\ln y_i - (\ln a + k(x_i - 1991)))^2 * (-1/a)$$

$$\begin{cases} n \ln a + k \sum_{i=1}^n (x_i - 1991) = \sum_{i=1}^n \ln y_i \\ \ln a \sum_{i=1}^n (x_i - 1991) + k \sum_{i=1}^n (x_i - 1991)^2 = \sum_{i=1}^n \ln y_i (x_i - 1991) \end{cases}$$

| №        | X    | Y     | $\ln y$ | $(x-1991)$ | $\ln Y_i(x_i-1991)$ | $(x_i-1991)^2$ |
|----------|------|-------|---------|------------|---------------------|----------------|
| 1        | 1991 | $Y_1$ |         |            |                     |                |
| 2        | 1992 | $Y_2$ |         |            |                     |                |
| ·        | ·    | ·     |         |            |                     |                |
| ·        | ·    | ·     |         |            |                     |                |
| ·        | ·    | ·     |         |            |                     |                |
| n        | ·    | ·     |         |            |                     |                |
| $\Sigma$ |      |       |         |            |                     |                |

Ушбу функцияни ечиш орқали  $a$  ва  $k$  ўзгармас коэффициентлар топилади. Хосил бўлган функция эса таҳлил қилинаётган ҳудуд аҳолисининг муайян даврлардаги умумий миқдорини аниқлашга ёрдам беради. Албатта, бу аҳоли сонини келажак даврлардаги кўринишини математик усулда башоратлаш бўлиб, ҳақиқий миқдорни олдиндан айтиб бера олмасда, уни энг кам хатолик билан топиш имконини беради. Хатолик даражасини энг кам бўлишини таъминлаш учун қуйидаги омилларга эътибор бериш керак.

Яъни,

- тахлил жараёнида имкон борича кўп йиллик факт кўрсаткичлардан фойдаланиш;

- иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва табиий таъсир этувчи омиллардаги ўзгаришларни барқарор холда деб ҳисоблаш.

қуйида эса юқоридаги математик усулдан фойдаланган холда Наманган вилояти аҳолисининг муайян келажак даврдаги миқдорини аниқлашда ёрдам берувчи функциясини аниқлаймиз. Бунинг учун Наманган вилояти аҳолисининг 1991 йилдан 2010 йилгача бўлган ҳақиқий кўрсаткичларидан фойдаланамиз.

| №        | X            | Y              | Ln y             | (x-1991)   | Ln y <sub>i</sub> [(x <sub>i</sub> -1991)] | (x <sub>i</sub> -1991) <sup>2</sup> |
|----------|--------------|----------------|------------------|------------|--------------------------------------------|-------------------------------------|
| 1        | 1991         | 1598,1         | 7,37657          | 0          | 0                                          | 0                                   |
| 2        | 1992         | 1645,6         | 7,40586          | 1          | 7,40586                                    | 1                                   |
| 3        | 1993         | 1693,4         | 7,43449          | 2          | 14,86899                                   | 4                                   |
| 4        | 1994         | 1735,2         | 7,45888          | 3          | 22,37663                                   | 9                                   |
| 5        | 1995         | 1780,4         | 7,48459          | 4          | 29,93837                                   | 16                                  |
| 6        | 1996         | 1822,9         | 7,50818          | 5          | 37,54092                                   | 25                                  |
| 7        | 1997         | 1857,9         | 7,52720          | 6          | 45,16321                                   | 36                                  |
| 8        | 1998         | 1890,7         | 7,54470          | 7          | 52,81292                                   | 49                                  |
| 9        | 1999         | 1924,3         | 7,56232          | 8          | 60,49854                                   | 64                                  |
| 10       | 2000         | 1953,2         | 7,57722          | 9          | 68,19502                                   | 81                                  |
| 11       | 2001         | 1982,7         | 7,59221          | 10         | 75,92215                                   | 100                                 |
| 12       | 2002         | 2013,7         | 7,60773          | 11         | 83,68502                                   | 121                                 |
| 13       | 2003         | 2042,5         | 7,62193          | 12         | 91,46316                                   | 144                                 |
| 14       | 2004         | 2073,2         | 7,63685          | 13         | 99,27903                                   | 169                                 |
| 15       | 2005         | 2103,6         | 7,65141          | 14         | 107,11968                                  | 196                                 |
| 16       | 2006         | 2133,7         | 7,66561          | 15         | 114,98419                                  | 225                                 |
| 17       | 2007         | 2162,5         | 7,68053          | 16         | 122,84870                                  | 252                                 |
| 18       | 2008         | 2193,4         | 7,69545          | 17         | 130,73415                                  | 281                                 |
| 19       | 2009         | 2223,6         | 7,71038          | 18         | 138,12347                                  | 309                                 |
| 20       | 2010         | 2252,3         | 7,72528          | 19         | 146,64535                                  | 338                                 |
| <b>Σ</b> | <b>31976</b> | <b>30251,1</b> | <b>120,65577</b> | <b>120</b> | <b>911,25369</b>                           | <b>1240</b>                         |

(Манба: Наманган вилоят Статистика бош бошқармаси маълумотлари)

Ушбу ҳисобланган кўрсаткичларни тенгламалар системасига куямиз ва ҳосил бўлган икки номаълумли тенгламалар системасини ечамиз.

{

$$\ln a + \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n (x_i - 1991) + \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n \ln y_i$$

$$\ln a + \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n (x_i - 1991) + \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n (x_i - 1991)^2 + \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n \ln y_i (x_i - 1991)$$

$$\begin{cases} 16 \ln a + 120 k = 120,65577 \\ 120 \ln a + 1240 k = 911,25369 \end{cases}$$

$$\begin{cases} 240 \ln a + 1800 k = 1809,83655 \\ 240 \ln a + 2480 k = 1822,50738 \end{cases}$$

$$\begin{aligned} k &= 12,67083 \\ k &= 0,0186 \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} \ln a &= 7,4015 \\ a &= e^{7,4015} \\ a &= 1638,437 \end{aligned}$$

Бу ерда а ва к ўзгармас коэффициентлар топилди.

Яъни:

$$\begin{aligned} a &= 1638,437 \\ k &= 0,0186 \end{aligned}$$


Демак, Наманган вилояти аҳолисини муайян келажак даврдаги кўрсаткичини башорат қилиш учун қуйидаги функциядан фойдаланиш ўринли бўлади.

$$Y_x = 1638,437 e^{0,0186 * (x - 1991)}$$

Ушбу функциядан фойдаланган ҳолда Наманган вилояти умумий аҳоли сонини аниқлаш мумкин бўлади (3.1.1-график).

Масалан:

3.1.1-график




| Йил<br>(У)    | 2000   | 2005   | 2010   | 2015   | 2020   | 2025   | 2030   | 2035   | 2040  | 2045   | 2050   |
|---------------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|-------|--------|--------|
| Аҳоли<br>сони | 1937,0 | 2125,8 | 2300,0 | 2560,4 | 2809,9 | 3083,7 | 3384,3 | 3714,1 | 476,1 | 4473,4 | 4909,4 |

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Наманган вилояти аҳолиси сони барқарор суръатлар билан ўсишда давом этмоқда. Демак, вилоятда бандликни таъминлаш ва ишсизлик муаммоларини хал этишда янги иш ўринларини яратиш учун узлуксиз ва узоқ даврларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш, яш ўринлари яратишнинг Наманган вилояти учун энг оптимал бўлган усулларида фойдаланиш талаб этилади. Жумладан, ҳудудий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тўла қайта ишлаш (хом ашёдан тайёр маҳсулотгача) саноатини ривожлантириш, меҳнат ресурсларининг интеллектуал салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда энг кўп ва доимий меҳнат ресурслари яратувчи электроника ва приборсозликнинг муайян бир тармогини шакллантириш каби йўللار билан янги иш ўринларини яратиш ва янги соҳалар учун иқтисодий асослар яратиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг кўп йиллик кўрсаткичлари шунинг кўрсатмоқдаки, вилоятда урбанизация даражаси сезиларли равишда ортиб бормоқда (3.1.2-график).

3.1.2-график

### Наманган вилоятидаги шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ўсиш даражаси (фоизда)



Манба: Наманган вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари

### 3.2. Наманган вилоятида ишсизлик муаммоларини бартараф этиш чора-тадбирлари

Аҳолии бандлигини ошириш ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда узлуксиз жараён ҳисобланади.

Шундай экан, вилоятда самарали бандликни таъминлашда қуйидаги усул ва тадбирлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- *уй меҳнати ва касаначиликни ривожлантириш*. Бу усул янги иш ўринлари яратишда энг кам фурсат ва молиявий кумак талаб этиши билан ахамиятлидир. Қолаверса, бу йўл билан янги иш ўринларини яратилиши ишчи кучидан индивидуал қобилияти, малакаси ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда самарали фойдаланиш имконини беради. Уй меҳнати ва касаначиликни ривожлантириш орқали саноат марказларидан узоқ бўлган чекка ҳудудлардаги (асосан қишлоқлардаги) ва турли сабаб ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда оиладан ажралиш имкони бўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш мумкин.

- *юримдик шахс бўлмаган холда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар ва оилавий бизнесни ривожлантириш*. Бу усул бозор иқтисодиётининг асосий меҳнат ресурсларининг самарали меҳнатда банд бўлишини таъминловчи асосий омили ҳисобланади. Юримдик шахс бўлмаган холда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар ва оилавий бизнесни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратишда давлатнинг асосий вазифаси тадбиркорларни турли имтиёзлар, микро даражадаги молиявий кумаклар билан таъминлаб туриш, шунингдек, уларни ноқонуний тайзик ва йирик корхоналар таъсиридан ҳимоялашдан иборатдир. Бу усул орқали давлат нафақат меҳнат ресурсларининг самарали бандлигини таъминлашга эришади, балки иқтисодиётдаги энг майда даромад келтирувчи манбаларидан ҳам Тўлиқ фойдаланиш ва мукаммал иқтисодий ривожланишни ҳам таъминлайди.

- *мавжуд корхоналар фаолиятини кенгайтириш, уларни қайта қуроллантириш ва бозорда мустаҳкам мавжега эга бўлган корхоналарда иш сменасини ошириш*. Бу усулни барқарор ишлаб чиқариш фаолиятидаги, шунингдек корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган (ишлаб чиқариш режалаштирилаётган) маҳсулотга доимий талаб мавжуд бўлган корхоналарга турли енгиллик ва имтиёзлар бериш орқали амалга оширилади. Бунда меҳнат ресурслари учун доимий иш жойлари яратилади. Ҳозирда ушбу усулдан фойдаланишга давлат томонидан ҳам алоҳида аҳамият қаратилмокда. Жумладан, «Маҳаллийлаштириш дастури»га асосан импорт ўрнини босувчи ва маҳаллий хом ашё негизида тайёрланувчи маҳсулот ва бутловчи қисмларни республика ҳудудида ишлаб чиқаришни йўлга қуйганлар учун алоҳида имтиёзлар белгиланган холда янги ишлаб чиқариш корхоналари ва линиялари ишга туширилмокда. Қолаверса, ночор ва технологик жихатдан яроксиз бўлган корхоналарни қўшимча иқтисодий кучлардан фойдаланиш мақсадида инвестиция киритиш шарти билан хорижликларга сотиш, инвестиция киритиш шарти билан 0 (нол)лик ставка

бўйича сотиш тўғрисида қатор қонун ва қарорлар, уларни амалга оширишга доир дастурлар ишлаб чиқилган.

- *янги корхоналар ташкил этиши*. Бу усул орқали икисодиёт учун айти пайтда зарур бўлган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) йўлга куйилади. Шу сабабли бу усулдан фойдаланишда кўп маблағ ва вақт талаб этилсада, меҳнат ресурсларидан узоқ муддатли, доимий ва самарали, шунингдек талаб даражасидаги меҳнат даромадини тўлашга кодир бўлган иш ўринлари яратилади. Ушбу усул вилоят меҳнат ресурслари ва табиий имкониятларидан келиб чиққан холда фойдаланишда мақсадга мувофиқдир. Хусусан, вилоятнинг табиий имкониятларидан келиб чиққан холда мева ва сабзавот маҳсулотларини жаҳон стандартлари бўйича қайта ишлайдиган ва кадоклайдиган саноат корхоналарини куриш мақсадга мувофиқдир. Янги корхоналарни ташкил этишда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарга асосий ургу берилишидан мақсад, бу орқали саноатни қишлоқ жойларга олиб кириш ва вилоятда сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида рўй берган таркибий ўзгаришлар туфайли бушаб қолган меҳнат ресурсларини самарали меҳнатга жалб этишдир.

- *ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ни ташкил этиш ва фаолият юритиш учун зарур инфраструктурани шакллантириш*. Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ни ташкил этиш ва фаолият юритиш учун зарур инфраструктурани шакллантириш, шунингдек, коммунал хизматларни талаб даражасида йўлга куйиш янги иш ўринларини яратишга бевосита таъсир этмасада, унинг таъсири билвосита олиб қаралганда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш учун қўлланиладиган барча омиллардан кўра муҳимроқ эканлиги кўринади. Чунки, керакли инфраструктура талаб даражасида шакллантирилмас экан, янги иш ўринлари яратиш эмас, балки мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ҳам муаммо бўлиб қолади. Масалан, электр-энергия, газ ва сув таъминоти, транспорт хизмати ва транспорт

хизмати учун керакли омиллар (талаб даражасидаги йўллар) кабилар шакллантирилмас экан, шундоқ ҳам шаҳарга яқин ҳудудларда жойлашган корхоналарга нисбатан бирмунча имкониятини йўқотган (керакли хом ашё бозори, реализация бозори, ортиқча транспорт харажатлари) қишлоқ жойларга саноатни олиб кириш амалга ошириб бўлмайдиган ва натижасиз иш ҳисобланади.

- *мавжуд манбалардан оптимал даражада фойдаланиш.* Вилоятда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммолари билан бир қаторда янги иш ўринлари яратиш учун талай имкониятлар борки, бу имкониятлардан фойдаланилмасликнинг асл сабаби, тегишли бошқарув идоралари томонидан уз ишига масъулиятсизлик билан қараётганлигидадир. Яъни, вилоятда уларнинг фаолияти ҳудуддаги ишсизликка сезиларли таъсир кўрсатадиган бир нечта сермеҳнат талаб этувчи саноат корхоналари борки, бу корхоналар айни вақтда турли сабабларга кўра тўла қувват билан фаолият кўрсатмайди ёки умуман ишламайди.

Бундан ташқари, ишсиз катлам учун жойлардаги буш иш ўринлари тўғрисида кенг ва мукамал ахборотлар етказиб туриш лозим. Бунинг учун, турли меҳнат ярмаркалари ўтказиб турилиши самарали ҳол ҳисобланади. Вилоятда меҳнат ярмаркалари ташкил этиш сўнгги йилларда ҳудудлардаги меҳнат бўлимлари томонидан ташкил этилаётган муҳим тадбирлардан бири бўлиб келмоқда. Меҳнат ярмаркаларини ўтказиш иш қидирувчиларни буш иш ўринлари билан таништирибгина қолмай, иш қидирувчи билан иш таклиф этувчининг бевосита учрашиб, келишиб олиши, ҳар икки томоннинг ҳам кенг камровли танлаш имконияти билан таъминламоқда.

## **Хулосалар ва таклифлар**

Мустақилликнинг биринчи кунлариданок, Ўзбекистонда аҳолининг меҳнатда бандлигини ошириш масаласи жамиятда ижтимоий тотувлик-барқарорликка эришув ва унинг ижтимоий ривожининг энг муҳим шарти ҳамда омили сифатида кўрилди.

Меҳнатда бандлик ва ижтимоий барқарорлик узаро боғлиқ ҳамда узаро бир-бирига таъсир ўтказувчи категориялардир. Бир жihatдан, меҳнат фаолияти инсонга уз моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун даромад манбаини беради. Узга жihatдан эса ижтимоий тотувлик меҳнат

фаолияти жараёнидаги ташаббус ва ишбилармонлик ривожини ҳамда инсонлар меҳнати рағбатига имкон беради ва унинг шартини бўлади.

Ўтиш даврида Ўзбекистон аҳолисининг меҳнатда бандлигининг аҳамияти бекиёсдир. Унинг сабаби нафақат ишлаб чиқаришнинг кескин пасайишига йўл қўймагани, иқтисодий ўсиш учун шароит яратиш, собитлаштириш турувчи восита бўлгани эмас, балки ижтимоий барқарорликни ролига ҳам боғлиқ.

Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича миллий моделнинг асосий бугинги кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш, деб белгиланган. Бошқача қилиб айтганда, барча иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислохотлар инсонга муносиб ҳаёт кечириш ва фаолият юритиш шароитларини яратишга қаратилган.

Меҳнатда бандлик соҳасининг инсонга қаратилган ривожининг янги стратегияси ҳар бир меҳнатга лаёқатли инсон уз қобилиятларини очиши, ўз меҳнати билан ўзига ва оиласига муносиб ҳаёт тарзини таъминлаши учун шароитлар яратишини назарда тутди. Бунга эришишда қуйидагилар асос бўлади:

- иқтисодий фаолият юритиш, ишбилармонлик ва меҳнат эркинлиги, касб ва уз меҳнатини тадбиқ этиш соҳасини эркин танлашда фуқароларнинг қафолатланган ҳуқуқларини таъминлаш;

- аҳолининг иқтисодий фаолиятини ривожлантириш учун меҳнатни рағбатлантиришнинг кучли механизминини жорий этиш ва шароитлар яратиш;

- реал меҳнат бозорини шакллантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва фаолияти соҳалари эҳтиёжига қараб меҳнат ресурсларини қайта тақсимлаш учун муҳит ва шароитлар яратиш.

Ишчи кучига талаб ва таклифни ҳисобга олиш ҳамда тартиблаштириш асосида меҳнат бозори - меҳнат ресурсларини хўжалик юритиш соҳалари ва тармоқлари ҳамда меҳнатда бандлик шакллари бўйича тақсимлаш механизми

вазифасини бажаради. Шунинг билан бирга вақтинча ишсиз қолган меҳнатга лаёқатли фуқароларга ижтимоий мадад ҳам беради.

Меҳнат бозорини тартиблаштириш сиёсати ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш дастуридан келиб чиқади ва ўтиш даври ислохотларини ўтказишдаги устивор йўналишлар билан узвий боғлангандир.

Шундай қилиб, меҳнат бозорини шакллантиришдаги Ўзбекистон тажрибаси қуйидаги асосий жihatларга эга эканлигини кайд қиламиз:

- бандлик моделини шакллантиришда ва уни бошқаришда давлат сиёсати ва ролининг устиворлиги, давлат ташаббускорлигининг бирламчи ахамияти;

- меҳнат бозори соҳасидаги сиёсатнинг биринчи навбатда ижтимоий жihatдан йуналтирилганлиги;

- шаклланаётган меҳнат бозори сиёсатининг оқилона бандликка томон мўлжалланганлиги;

- меҳнат бозорини шакллантиришнинг бозор муносабатларининг шакллантиришга мос ҳолда боскичма-боскич амалга оширилаётганлиги ва ҳ. к.

Меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни тартибга солиш учун иқтисодий механизм моделларидан фойдаланилади. Улар қуйидагилар:

- Кўп боскичли иш танлаш, касб-хунар таълими, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда малака ошириш тизими;

- Аҳолининг барча ижтимоий катламларининг меҳнатда бандлигини таъминлашга йуналтирилган махсус дастурлар;

- Республика ва маҳаллий меҳнат бозоридаги ҳолатни доимий истиқболни белгилаш ва ўрганиш учун ижтимоий-иқтисодий концепцияни аниқлаш ҳамда жорий этиш.

Аҳолининг меҳнатда бандлигини таъминлаш сиёсатини ўтказиш методларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- Ишсизликнинг табиий даражасини пасайтиришга қаратилган методлар;

- Циклик ишсизлик даражасини пасайтиришга қаратилган методлар.

Ишсизликнинг табиий даражаси бир қатор омилларга боғлиқ ҳолда юқори даражада бўлиши мумкин. Табиий ишсизликнинг юқори даражаси мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятга салбий таъсир кўрсатади.

Ишсизликнинг табиий даражаси туфайли кўриладиган иқтисодий йўқотиш циклик ишсизлик туфайли кўриладиган иқтисодий йўқотишдан қолишмайди. Шунинг учун давлат ишсизликнинг табиий даражасини ҳам пасайишидан манфаатдор.

Бунда қуйидаги вазифаларни бажариш керак:

- Таркибий ўзгаришлар туфайли ишчи кучи талаб қилишга тез мослашадиган корхоналарни яратиш, улар учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни эгилувчан тизимларидан фойдаланиш;

- Буш ишчи ўринлари тўғрисида сифатли умуммиллий ахборотлар тизимини яратиш;

- Янги ишга жойлашиш билан яшаш жойини ўзгартирувчи кишиларни моддий қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш ва бошқалар.

Циклик ишсизликнинг сабаби ишлаб чиқаришни пасайиши билан боғлиқ бўлгани учун ҳам унинг олдини олишда бюджет, молия-кредит сиёсатини мувофиқлаштириш методларидан фойдаланиш муҳим ўрин тутди.

Демографик вазиятни барқарорлаштириш ва аҳолининг меҳнатда бандлигини ошириш - ишчи кучининг сифатини юксалтириш ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш ҳисобигагина ҳал қилиниши мумкин.

Аҳолининг меҳнатда бандлигига фақатгина иқтисодий категория сифатида ёндошибгина қолмай, балки сиёсий категория сифатида

«мафкуравий бандлиги»ни ҳам таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Мафкуравий бандликни аҳолининг барча катламлари, айниқса, ёшлар ўртасида амалга ошириш зарур. Чунки, расмий ва яширин ишсиз бўлган аҳоли катламининг, айниқса ёшларнинг нима билан машғул эканликлари, таъбир жоиз бўлса қандай уй-хаёллар «оғушида»лиги нафақат иқтисодий ва тарбиявий, балки сиёсий жихатдан мамлакат хавфсизлиги нуқтаи назаридан ҳам катта аҳамиятга эга. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «...мафкура соҳасида бушлик, вакуум бўлмайди. Ўзбекистон халқларининг дунёқараши, маънавий ва сиёсий маданиятининг энг илғор анъаналари асосида ишлаб чиқилган миллий мустақиллик мафкураси индивидуализмнинг вайрон қилувчи таъсирига қаршилик кўрсатишга кодир. Мафкуравий иш, мустақиллик, юксак маънавият, ахлокийлик, маданият ғояларини тарғиб қилиш уткинчи холга айланмаслиги керак. Ахлоқ ва маънавият мавхум категорияларга айланмаслиги, фақат ташвиқотчи ва тарбиячиларнинг иши бўлиб қолмаслиги лозим. Юксак даражада ахлоқли фуқарони вояга етказиш - ҳар бир инсоннинг бурчидир»<sup>20</sup>.

Чет эл тажрибасини ўрганиш орқали аҳолининг меҳнатда банд бўлмаган қисмини иш билан таъминлашнинг 2 модели тавсия этилади:

Биринчи модель - бу жамоа мулкига асосланган корхоналар барпо этиш билан боғлиқ бўлиб, транспорт алоқаси мустаҳкам ҳамда малакали ишчи кучига эга бўлган катта саноат корхоналари бўлган Хитойнинг ривожланган саноат районлари учун характерлидир.

Иккинчи модель - бу саноат марказларидан узоқда уй-рузгор буюмларини ишлаб чиқарадиган кўп сонли якка тартибда фаолият кўрсатувчи уй корхоналарини ташкил этиш билан боғлиқ.

---

<sup>20</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка ташдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, Ўзбекистон, 1999. 565-566-бетлар.

Вилоятда аҳолининг бандлик даражасини ошириш учун қуйидагилар тавсия этилади:

- Шаҳар, туманлар ҳокимликлари томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда «Аҳолини иш билан таъминлаш» дастурларида демографик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда реал иш ўринларини барпо этишга мавжуд бўлган барча имкониятларни сафарбар қилиш, бунда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш;

- Малакали кадрларни тайёрлаш истиқбол режаси ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжи ўртасидаги мувозанатни таъминлаш;

- Республикада ишчи кучини хорижий давлатларга меҳнат миграциясини ривожлантириш. Бу борада давлатлараро шартномалар тузиш, чет эл йирик корхоналари билан иш олиб бориш, чет элга ишга юборилган Ўзбекистон фуқаролари манфаатларини ҳимоялаш;

- Барча манбалар ҳисобидан иш ўринлари яратиш учун бериладиган кредитлар ҳажмини кўпайтириш ва кредит бериш шартларини такомиллаштириш;

- Касаначилик меҳнати, оилавий бизнес ва хунармандчилик билан банд бўлишга керакли шарт-шароит яратиш ва доимий тарзда қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқдир.

## **Фойдаланилган ва ўрганлилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Қонунлар, бошқа ҳуқуқий, сиёсий журналлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992.
2. Ўзбекистон Республикаси қонуни. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида. Т., «Адолат», 1998.
3. Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси. Т., «Ўзбекистон», 1996
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фуқароларни ёллаб ишлаш (мардикорлик) масаласини тартибга солиш тўғрисида»ги Ф-1218-сонли фармойиши. 2000 йил 25 июль
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини ташкил этиш тўғрисида»ги 223-сонли қарори. 2001 йил 18 май.

## **II. Журналлар ва статистик тўпламлар**

1. «Ўзбекистан в цифрах» Статистический сборник Т., 2000
2. «Ўзбекистан в цифрах» Статистический сборник Т., 2001
3. «Региональный статистический ежегодник Узбекистана» Статистический сборник Т., 2002
4. Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. Йиллик статистик тўплам (2005, 2006, 2007, 2008, 2009, 2010 йиллар)
5. Наманган вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси маълумотлари. Йиллик тўплам (2005, 2006, 2007, 2008, 2009, 2010 йиллар)
6. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали
7. «Иқтисод ва ҳисобот» журнали

## **III. Китоблар ва рисолалар**

1. Каримов И. Буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон» 1999
1. Каримов И. Ўзбекистон ХХІ асрга интиломда. Т., «Ўзбекистон» 2000
2. Каримов И. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., «Ўзбекистон» 2000
3. Абдуганиев А. Ўтиш даври иқтисодиётида меҳнат бозори. Т., «Меҳнат» 1999
4. Абдуллаев У. Макроиқтисодий статистика Т., «Меҳнат» 1998
5. Абдуллаев О. Наманган вилояти Н., «Ибрат» 1995
6. Абдуганиев А., Худойбердиев З. қишлоқни долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммолари Н., «Ибрат» 1995
7. Абдурахмонов к. Персонални бошқариш, Т., «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси», 2004
8. Абиркулов к. Иқтисодий география. Т., «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси», 2004

9. Назаров А. Мехнатни ташкил этиш ва нормаллаштириш Т., «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамгармаси» 2004
10. Рахимова А. Минтақавий ва маҳаллий хўжаликлар иқтисодиёти Т., ТДИУ 2004
11. Солиев А. Минтақавий иқтисодиёт Ўқув қўлланма Т., «Университет» 2003
12. Нарзикулов Н. Инсон ресурслари иқтисодиёти Т., «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамгармаси» 2004
13. Парпиев Н. Иқтисодий таҳлил Т., «Мехнат» 2004
14. Худойбердиев З. Бандлик. Н., «Ибрат», 2003
15. Худойбердиев З. Мехнатда бандлик. Н., «Ибрат», 2000
16. Холмуминов Ш. Мехнат бозори иқтисодиёт.» Т., «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамгармаси», 2004
17. гуломов С. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳоли бандлиги. Т., ТошДИУ, 1999
18. Валентей Д. Основу демографии. М., «Мусль», 1989
19. Мақсакова Л. Демографические проблему занятости в Узбекистане. Т., «Ўзбекистон» 1989

#### **IV. Электрон сайтлар**

1. [www.uzreport.com](http://www.uzreport.com)
2. [www.cer.uz](http://www.cer.uz)
3. [www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)
4. [www.view.uz](http://www.view.uz)
5. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
6. [www.istedod.uz](http://www.istedod.uz)
7. [ziyo.tdu.uz](http://ziyo.tdu.uz)

8. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)